Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

Халқ сўзи

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг газетаси

9 апрель, сешанба, 1996 йил
Сотувда эркин нархда. № 69 (1322)

ПРЕЗИДЕНТ ҲУЗУРИДА ҚАБУЛ



Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 8 апрель куни Европа Иттифоқи Комиссияси (ЕИК) комиссари Ханс Ван Ден Брук раҳбарлигидаги делегация аъзоларини қабул қилди.

Президент Ислом Каримов меҳмонларни юртимизга ташрифи билан қутлар экан, мамлакатимиз билан Европа Иттифоқи ўртасидаги алоқалар муттасил ривожланиб бораётганидан мамнуният изҳор этди. Бу ҳамкорлик алоқаларининг тараққий топишида, тайёрланишида жаноб Ханс Ван Ден Брук катта ҳисса қўшган ва Европа Иттифоқи Комиссияси томонидан қабул қилинган Ўзбекистон ҳақидаги ахборот янги босқични бошлаб берганини таъкидлади.

Ўзбекистон раҳбари меҳмонларга сўнгги йилларда мамлакатимизнинг сиёсий ҳаётида, иқтисодий юксалиши йўлида, демократик жамият ҳуқуқий асосларини яратиш борасида катта ўзгаришлар рўй берганини қайд этди. Бу ижобий ўзгаришлар нуфузли халқаро ташкилотлар экспертлари, хорижлик мутахассислар томонидан ҳам эътироф этилмоқда.

— Ўзбекистоннинг Европа Иттифоқи ва ЕИК билан ҳамкорлиги унинг Европа мамлакатлари билан мустаҳкам интеграциялашувига кўмаклашади ва бу халқимиз манфаатларига мосдир, — деди, жумладан, Ислом Каримов.

Жаноб Ханс Ван Ден Брук Ўзбекистон инсон ҳуқуқлари, иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш борасида жиддий ўсишга эришганини ва мамлакатимиз Европа Иттифоқининг муҳим савдо-иқтисодий ҳамкорига айланганини қайд этди. Европа Иттифоқи Комиссияси Ўзбекистон билан ўзаро манфаатли ҳамкорликни ривожлантириш тарафдори эканини таъкидлади. Ўзбекистон билан Европа Иттифоқи ўртасида шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги битимни имзолаш юзасидан музокаралар ижобий якун топса, алоқаларнинг янада ривожланиши ва кенгайиши учун мустаҳкам ҳуқуқий замин яратилишини айтди.

Қабул маросимида Ўзбекистон Президентининг Давлат маслаҳатчиси С. Сафоев, республика Бош вазири ўринбосари С. Саидқосимов, ташқи ишлар вазири А. Комилов иштирок этди.

(ЎзА).

СУРАТДА: қабул пайти.

Р. ЖУМАНИЁЗОВ олган сурат

АЛОҚАЛАР РИВОЖИДАГИ МУҲИМ БОСҚИЧ

Европа Иттифоқи Комиссияси комиссари Ханс Ван Ден Брук бошчилигидаги делегация аъзолари 8 апрель куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига ташриф буюрди.

Олий Мажлис Раиси Эркин Халилов меҳмонларга Ўзбекистон парламентининг фаолияти ҳақида сўзлаб берди. Республикамизда амалга оширилаётган иқтисодий, ижтимоий ҳамда сиёсий ислоҳотларнинг ҳуқуқий асосларини яратишда ривожланган Европа мамлакатлари парламентлари ва қонуншуносларининг билан кенг ҳамкорлик қилинаётганини таъкидлади. Ўзбекистон аввал бошданоқ ҳуқуқий-демократик давлат барпо этишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган, шу боис Европа Иттифоқи ташкилотлари билан бу борадаги ҳамкорликни янада ривожлантиришдан манфаатдормиз, деди Олий Мажлис Раиси.

Ханс Ван Ден Брук Европа Иттифоқи билан Ўзбекистон ўртасидаги ўзаро алоқалар энг муҳим ва масъулиятли босқичда экани, зеро, иқтисодий, сиёсий ва бошқа соҳалардаги ҳамкорликнинг ҳуқуқий асослари яратилаётганини айтди. Шундай экан, бу жараёнда Ўзбекистон парламентининг Европа Иттифоқи ташкилотлари билан ҳамкорлиги жуда муҳимдир, деди у.

Учрашувда иқтисодий, сиёсий ва инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳаларидаги ҳамкорликни кенгайтириш борасида фикр алмашилди.

(ЎзА).

ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИДА УЧРАШУВ

Европа Иттифоқи Комиссияси (ЕИК) комиссари Ханс Ван Ден Брук раҳбарлигидаги делегация аъзолари 8 апрель куни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига ташриф буюрди.

Ўзбекистон Бош вазири Ўткир Султонов меҳмонларга мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар жараёни хусусида сўзлади. Ўзбекистоннинг Европа Иттифоқи билан ҳамкорлиги катта истиқболга эгалигини таъкидлар экан, бу имкониятлардан фойдаланиш ўзаро манфаатли бўлишини қайд этди.

Учрашув чоғида Ўзбекистон билан Европа Иттифоқи Комиссияси ўртасидаги ҳамкорликни тараққий эттириш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди.

Учрашувда Ўзбекистон Бош вазири ўринбосарлари С. Саидқосимов, Б. Ҳамидов, В. Чжен, шунингдек, Ўзбекистоннинг Бельгиядаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси, республикамизнинг Европа Иттифоқидаги вакили А. Файзуллаев иштирок этди.

(ЎзА).

МАВСУМГА ПУХТА ТАЙЁРГАРЛИК ЗАРУР

Шу йил 6 апрель куни Ўзбекистон Вазирлар Маҳкамасида бошоқли дон экинларини йиғиб олиш мавсумига тайёргарлик кўриш масалаларига бағишланган йиғилиш бўлди. Уни республика Бош вазирининг биринчи ўринбосари Исмоил Жўрабеков бошқарди. Йиғилишда вазирликлар, корпорация, концерн ва уюшмалар раҳбарлари, вилоят ҳокимлари ўринбосарлари қатнашди.

Йиғилишда ғаллани ўриб-йиғиб берадиган техника воситалари ва қабул қилиш пунктларини янги мавсумга ҳозирлаш, бошоқли дон экинларини йиғиштириб олишни уюшқоқлик билан ташкил этишни таъминлаш билан боғлиқ масалалар муҳокама этилди. Тегишли вазирлик, идора ва ташкилотлар раҳбарларининг бу борадаги ахбороти тингланди.

Республикамизда ғалла мустақиллигига эришиш йўлида катта ютуқлар қўлга киритилмоқда. Жумладан, бошоқли дон экинлари майдони кенгайтирилиб, илғор техника ва технологиялар қўлланилиши натижасида йилдан-йилга мўл ҳосил олинаётир. Етиштирилган ҳосилни нобуд қилмай, ўз вақтида ўриб-йиғиб олишда техника кучи — комбайн ва бошқа транспорт воситаларидан унумли фойдаланиш ниҳоятда муҳимдир. Йиғилишда ғалла йиғиштириб берадиган техника воситаларини мавсумга шайлаш кечиктириб бўлмайдиган вазифа экани алоҳида таъкидланди. Самарқанд, Қашқадарё, Сурхондарё, Жиззах, Сирдарё ва бошқа вилоятларнинг айрим жамоа хўжаликларида бу борада суст кашликка йўл қўйилаётгани танқид қилинди. Муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли чоратадбирлар белгиланди, мутасадди раҳбарларга аниқ топшириқлар берилди.

Йиғилишда республика Бош вазирининг ўринбосари Р. Гиниятуллин иштирок этди.

(ЎзА).

МУБОРАК ҲАЖ САФАРИ ТАРАДДУДИ

8 апрель куни Вазирлар Маҳкамасида муборак Ҳаж сафарини ташкил этиш юзасидан тузилган республика комиссиясининг якунловчи йиғилиши бўлди. Уни Бош вазир ўринбосари С. Саидқосимов бошқарди.

Йиғилишда Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 19 февралдаги муборак Ҳаж зиёратига борувчиларга давлат томонидан ёрдам кўрсатиш ҳақидаги қарори қандай бажарилаётгани тўғрисида мутасадди идора ва ташкилотлар раҳбарларининг ахбороти тингланди. Жумладан, зиёратга борувчилар рўйхати кенг жамоатчилик фикрини эътиборга олиб тузилгани, уларнинг эҳтиёж ва талабларини холисона қондириш чоралари кўрилгани таъкидланди. Натижада бу йил республикамиздан 3500 нафар — ўтган йилдагидан 500 нафар кўп фуқаро муборак Ҳаж зиёратини амалга ошириш имконига эга бўлади.

Йиғилишда сафар иштирокчилари соғлиғини сақлаш, уларни «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси орқали жўнатиш ва кутиб олиш борасида ҳам келишиб олинди.

(ЎзА).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

«ЎЗБЕКНАВО» ГАСТРОЛЬ-КОНЦЕРТ БИРЛАШМАСИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Мусиқа-рақс санъатини ривожлантиришни давлат йўли билан қўллаб-қувватлаш мақсадида, шунингдек, Ўзбекистон концерт-ижодий жамоаларининг истакларини эътиборга олиб:

1. «Туркистон» саройи ва «Баҳор» комплекслари, Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлигининг ижодий концерт ташкилотлари негизида «Ўзбекнаво» гастроль-концерт бирлашмаси ташкил этилсин.

2. Белгилаб қўйилсинки, «Ўзбекнаво» гастроль-концерт бирлашмаси Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда ҳудудий бўлимларига эга бўлган мустақил ижодий-ишлаб чиқариш комплекси ҳисобланиб, у, мулкчилик шаклларидан ва қайси идорага қарашли эканлигидан қатъи назар, филармония, эстрада, рақс, фольклор ва бошқа ижодий жамоаларни бирлаштиради.

«Ўзбекнаво» бирлашмасининг фаолиятига бадиий-услубий раҳбарликни Ўзбекистон Республикасининг Маданият ишлари вазирлиги амалга оширади.

3. «Ўзбекнаво» гастроль-концерт бирлашмасининг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

Ўзбекистон халқларининг миллий мумтоз ва замонавий мусиқа ҳамда рақс санъатининг энг яхши ютуқларини ривожлантириш, асраш ва тарғиб этиш;

иқтисодий ва ижтимоий ривожланишнинг истиқболли режаларини, мақсадли, комплекс, маданий, илмий-техникавий, иқтисодий ва ижтимоий дастурларни ишлаб чиқиб, амалга ошириш;

хорижий фирмалар билан ўзаро манфаатли ташқи иқтисодий алоқаларнинг, маданий, савдо-иқтисодий ва илмий-техникавий ҳамкорликнинг янги шаклларини ривожлантириш;

гастроль-концерт фаолиятини мувофиқлаштириш ҳамда ижодий жамоалар ва алоҳида ижрочилар томонидан аҳолига маданий хизмат кўрсатишни такомиллаштириш.

4. Гастроль-концерт бирлашмаси, унинг корхоналари ва ташкилотлари давлат бюджетига ўтказиладиган давлат солиқларини тўлашдан 3 йил муддатга озод этилсин.

Белгилаб қўйилсинки, имтиёзли солиқ олиниши муносабати билан бўшайдиган маблағлар мусиқа-рақс санъатини янада ривожлантиришга, унинг моддий-техника базасини мустаҳкамлашга аниқ мақсадни кўзлаб фойдаланилади.

5. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги бир ҳафта муддатда Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларига зарур ўзгартишлар киритиш тўғрисидаги таклифларни ишлаб чиқсин.

6. Ўзбекистон Республикасининг Вазирлар Маҳкамаси бир ҳафта муддат ичида «Ўзбекнаво» гастроль-концерт бирлашмасининг фаолиятини ташкил этиш масалалари юзасидан қарор қабул қилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1996 йил 5 апрель

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида

ИШЧИ ГУРУҲИНИНГ БИРИНЧИ ЙИҒИЛИШИ

Аввал хабар қилганимиздек, биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси бешинчи сессиясига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича 23 нафар Олий Мажлис депутатидан иборат таркибда депутатлар ишчи гуруҳи тузилган эди. 8 апрель куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида ишчи гуруҳининг биринчи йиғилиши бўлиб ўтди. Уни Олий Мажлис Раисининг ўринбосари, гуруҳ раҳбари Б. Бугров олиб борди.

Бўлажак сессияга тайёргарлик кўриш юзасидан амалга оширилган ва режалаштирилган тадбирлар хусусида атрофлича тўхталиб ўтилди. Сессия кун тартибига киритилган масалаларга доир барча ҳужжатлар парламент кўмита ва комиссияларида ҳар томонлама ишлаб чиқилганлиги ва депутатларга ўз вақтида етказилганлиги таъкидланди. Шунга қарамай, ишчи гуруҳи аъзолари сессияни уюшқоқлик билан ўтказиш учун ҳар бир иш участкасига масъул депутатларни тайинлаш ва ишга зудлик билан киришиш кераклигини билдирдилар. Ишчи гуруҳи раҳбарининг ўринбосари, Олий Мажлис Котибиятининг Бошлиғи О. Олимжонов шуларни эътиборга олган ҳолда депутатлар ишчи гуруҳининг учта кичик гуруҳи зиммасидаги вазифаларни аниқ белгилаб олиш зарурлигини қайд этди.

Сессия материалларини тайёрлаш ва уларни депутатларга етказиб бериш ҳамда Олий Мажлис ишини оммавий ахборот воситаларида ёритиш масалалари билан шуғулланувчи гуруҳга депутат Э. Воҳидов, сессия арафасида ва сессия давомида Олий Мажлис фаолиятини таъминлашнинг ташкилий жиҳатлари билан шуғулланувчи гуруҳга депутат Ж. Ўтамов, парламент сессиясига ташриф буюрган депутатлар фаолиятини ташкилий-техник жиҳатдан таъминлаш билан шуғулланувчи гуруҳга депутат Г. Йўлдошева раҳбар этиб сайланганлиги таъкидланди.

Ишчи гуруҳи аъзолари Олий Мажлис сессиясини ҳар томонлама мазмунли ўтиши учун мавжуд барча имкониятларни ишга солиш зарурлигини якдиллик билан биллирдилар.

БИЗ КИМ, ҚАЛАМ АҲЛИ...

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. Каримовга!

Муҳтарам Ислом ака!

Ўзбекистонимизнинг мустақиллигига асос солганингизни ҳаммадан кўпроқ биламан. Ғоят қийин бир шароитда Горбачев, Рижков, Лукьянов сингари мустамлакачиларнинг ҳийлаларини бартараф этиб, собиқ империя таркибидан Ўзбекистонни олиб чиқиб кетганингизга гувоҳ бўлганман. Хотирангизда бўлса, ўша маҳалларда мен СССР халқ депутати сифатида Кремлда Мандат комиссияси котиби эдим. Сизнинг баҳодирона, ватанпарварлик фидойилигингизни кўриб ва кузатиб, Парвардигордан мадад сўраганлардан биримман. Жамият қонунлари табиат қонунларига мутаносибдир. Масалан, Ой ёхуд Қуёшнинг ҳаракатига таъсир этиб бўлмаганидек, халқларнинг тарихдаги ўрнини ҳам рад этиш мумкин эмас. Шу кунларда мен Ёзувчилар уюшмасида хизмат қилаётирман. Россия Думасида юз берган найрангбозликни Ўзбекистон адиблари чуқур мулоҳаза билан муҳокама қилдилар. Зеро, мустақиллик йўлида жонларини фидо қилганларнинг қўпчилиги ҳам зиёлилар эди.

Биз, Ўзбекистон ёзувчилари фақатгина мустақиллик шарофати билангина эркин фикрлаш ва эркин ижод қилиш имкониятига эга бўлдик. Шунинг учун ҳам биз бу тарихий имкониятни қўлдан бой бермаслик учун, миллат ориятини дахлсиз ва покиза сақлаш учун курашаверамиз. Бизнинг йиғинимизда энг кекса адиблардан тортиб ҳаваскор ёзувчилар ҳам Сизнинг йўл-йўриғингиз халқ иродаси эканлигини якдиллик билан эътироф этишди. Сиёсатингизни ҳамжиҳатлик билан қўллаб-қувватлашди. Биз, Сиз айтганингиз сингари, ҳалол иқтисодий, маданий интеграцияларга қарши эмасмиз. Бироқ ўзбек халқи бундан буён икки дунёда ҳам сиёсий қармоқларга илинмагай.

Ҳурматли Ислом ака!

Кўнглингиз тўқ бўлсин — ҳар бир инсофли, виждонли Ўзбекистон фуқароси жаҳон даврасининг қонуний аъзоси сифатида мустақил давлатимиз шону шавкатини, озодлигини, маънавиятини, қадриятларини ҳимоя қилиш йўлида Сизнинг ёнингизда ҳамиша камарбаста бўлажак. Илоё, бизни ўлмас боболаримизнинг мардона руҳлари қўллайверсин!

Абдулла ОРИПОВ,
Ўзбекистон халқ шоири.

ЎЗБЕКИСТОН — ЕВРОПА ИТТИФОҚИ: ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ

Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятига интеграцияси тобора фаол тус олмоқда, халқаро иқтисодий ва сиёсий ташкилотлар билан кенг алоқалар ўрнатилган. Ўзбекистон ва Европа Иттифоқи ўртасидаги муносабатлар ҳам тез ривожланмоқда.

Европа Иттифоқи бугунги кунда 15 давлатни бирлаштириб турибди, яна 12 мамлакат унга қўшилиш учун ариза берган. Европа Иттифоқи — савдо бўйича жаҳондаги энг йирик шерик бўлиб, жаҳон савдосининг 20 фоизи унинг ҳиссасига тўғри келади. Бу АҚШ ва Япония кўрсаткичларидан кўпдир. Европа Иттифоқи ўзининг қирқ йилдан ошиқ тарихи мобайнида товарлар, маблағ ва хизматлар эркин ҳаракат қиладиган ягона бозорни барпо эта олди. Энди у ўз олдига ягона валютани жорий этиш, Европа Иттифоқига аъзо бўлган мамлакатларнинг ташқи муносабатлар, хавфсизлик сингари масалаларда умумий сиёсат юритиши каби улкан мақсадларни қўйган.

Ўзбекистон — Европа Иттифоқининг Марказий Осиёдаги энг йирик савдо-иқтисодий шериги ҳисобланади. Бугунги кунда Ўзбекистон билан Европа Иттифоқи ўртасидаги савдо обороти Европа Иттифоқининг Кавказортидаги уч мамлакатнинг ҳаммаси билан қилаётган савдосидан уч марта кўпдир.

1994 йил кузида Ўзбекистон ва Европа Иттифоқи ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилган. Ўтган йили Брюсселда, Европа Иттифоқи ҳузурида Ўзбекистон Республикасининг дипломатик ваколатхонаси ишлай бошлади.

Ўзбекистонда Европа Иттифоқининг «Таъсис» техникавий кўмаклашиш дастурлари муваффақиятли ривожланмоқда. Республикамиз Европа Энергетика хартиясига қўшилиш ҳақидаги шартномани имзолаган. Ўзбекистон билан Европа Иттифоқи ўртасида тўқимачилик маҳсулотлари савдоси бўйича битим тузилган. Ўзбекистон ва Европа Иттифоқи ўртасида транспорт коммуникациялари, энергетика, илмий-тадқиқотлар ва бошқа соҳаларда ҳам ўзаро манфаатли ҳамкорлик қилиш масалалари ишлаб чиқилмоқда. Жумладан, Европа Иттифоқи яқин орада Марказий Осиё мамлакатлари ва Европа ўртасидаги қадимий савдо коммуникацияларини қайта тиклашга кўмаклашувчи «Ипак йўли — 2000» деб номланган йирик лойиҳани амалга ошира бошлайди.

Айтиш мумкинки, Ўзбекистон билан Европа Иттифоқи ўртасидаги ҳақиқий кенг миқёсли ҳамкорлик, шериклик муносабатлари эндигина бошланяпти. Гап шундаки, шу йил 26 февралда Европа Иттифоқига аъзо мамлакатлар ташқи ишлар вазирларидан иборат Европа Иттифоқи Кенгаши шериклик ва ҳамкорлик тўғрисида битим тузиш бўйича Ўзбекистон билан музокаралар бошлаш ҳақида қарор қабул қилди. 7 мартда Брюсселда томонлар ўртасидаги ҳамкорликнинг бутунлай янги босқичини очиб берадиган бу мустаҳкам битимни тузиш бўйича Ўзбекистон билан Европа Иттифоқи ўртасидаги музокараларнинг биринчи қисми муваффақиятли якунланди.

Шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги битим Ўзбекистон Республикаси, Европа Иттифоқи ҳамда Европа Иттифоқига аъзо мамлакатлар ўртасида турли соҳалардаги ўзаро муносабатларнинг ҳуқуқий асосини вужудга келтиради. У комплекс хусусиятга эга бўлиб, томонлар ўртасидаги иқтисодий, савдо, илмий-техникавий, маданий, маърифий алоқалар учун кенг имкониятлар очиб берибгина қолмай, айни пайтда Ўзбекистон билан Европа Иттифоқи ўртасида мунтазам сиёсий мулоқот учун ташкилий асосни ҳам барпо этади.

Европа Иттифоқи олий идора органининг шериклик ва ҳамкорлик тўғрисида битим тузиш бўйича Ўзбекистон билан музокаралар бошлаш хусусидаги қарори катта сиёсий аҳамиятга эга. Бу қарордан олдин Европа Иттифоқининг турли тузилмаларида Ўзбекистондаги иқтисодий ва сиёсий ислоҳотларнинг бориши кўп марталаб кўриб чиқилган эди. Европа Иттифоқининг олий ижроия органи — Европа ҳамжамиятлари комиссияси Ўзбекистонга бағишланган махсус маъруза тайёрлаб, Европа Иттифоқи Кенгашига Ўзбекистон билан дарҳол музокаралар бошлашни тавсия қилди. Европа Иттифоқи ўзи билан шериклик муносабатларига кириишини истаган мамлакатлардаги демократик тараққиёт ва бозор муносабатларининг шаклланиш даражасига ўта қаттиқ талаб билан қараши ҳисобга олинадиган бўлса, бу қарорнинг қабул қилинишини Ўзбекистондаги иқтисодий ва сиёсий ислоҳотларнинг муваффақияти эътироф этилиши, деб баҳолаш мумкин.

Шу кунларда Европа Иттифоқининг Комиссияси комиссари Ханс Ван Ден Брук бошчилигидаги расмий делегация Ўзбекистонда меҳмон бўлиб турибди. Европа Иттифоқи Комиссиясининг ташқи сиёсий алоқалар учун масъул раҳбарларидан бирининг мамлакатимизга ташриф буюриши етакчи Европа мамлакатларининг Ўзбекистон билан муносабатларни ривожлантиришга қизиқиши тобора ортиб бораётганидан далолат беради. Бу муносабатлар Ўзбекистон ҳамда Европа қитъаси халқлари фаровонлиги ва тараққиётига, ўзаро фойдали ҳамкорлик ҳамда тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлашга хизмат қилишига шубҳа йўқ.

Алишер ФАЙЗУЛЛАЕВ,
Ўзбекистон Республикасининг Бельгиядаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси, республикамизнинг Европа Иттифоқидаги вакили.

ИҚТИСОДИЙ ИСЛОҲОТЛАР ВА УНИНГ ҲУҚУҚИЙ ТАЪМИНОТИ

Бугунги Ўзбекистоннинг нимаси диққатга сазовор?

Бу, аввало, воқелик ривожини олдиндан кўра билишдир. Барқарорлик ва тинчлик. Бозор муносабатларига ўтиш йўлидан ишонч билан олға юриш. Бозор иқтисодиётига ўтиш дастурининг аниқ-равшанлиги. МДҲ орасида инфляциянинг энг пастлиги.

Иқтисодиётнинг изчил тарзда кўтарилиб бориши. Миллий валютанинг барқарорлиги ва янада мустаҳкам бўлаётганлиги. Жаҳон иқтисодиёти жараёнига чуқурроқ кириб бориш ҳамда дунё ишбилармон доиралари билан янада мустаҳкам алоқалар ўрнатиш. Буларнинг барчаси тараққиётнинг илмий асосланган стратегияси ҳамда давлат томонидан олиб борилаётган оқилона ички ва ташқи сиёсат самарасидир. Хатти-ҳаракатнинг аниқ йўналтирилган дастури, воқелик ривожини олдиндан кўра билиш қобилияти, мавжуд муаммоларни ечиш борасида тўғри йўлни топиш — республика раҳбарияти фаолиятининг хусусияти ва ўзига хос белгисидир.

Республикамизда иқтисодий ислоҳотларнинг биринчи босқичи босиб ўтилди. Бу босқичда халқимизнинг турмуш тарзи, анъаналари ва урф-одатлари ҳар томонлама ҳисобга олиниб, Ўзбекистон ўз тараққиёт йўлини аниқ белгилаб олди. Республикамизда бозор муносабатларига ўтишнинг назарий асослари ва мезонлари аниқланди. Бу — иқтисоднинг мафкурадан холи бўлиши ва унинг сиёсатдан устуворлиги, давлатнинг бош ислоҳотчи сифатида тутган муҳим роли, иқтисодий ислоҳотларни ҳуқуқий жиҳатдан таъминлаш, халқни ҳимоя қилишга қаратилган кучли ижтимоий сиёсат, бозор муносабатларига босқичма-босқич ўтишни тегишли шарт-шароитлар яратилганда амалга ошириш. Булар ижтимоий тафаккур назарияси хазинасига Президентимиз И. Каримовнинг беш тамойили бўлиб кирди. Юртбошимиз бу тамойиллар ҳақида Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг мўътабар минбаридан туриб гапирди, эндиликда буни бутун жаҳон билади. Шуни алоҳида таъкидлаш ўринлики, унинг илмий-назарий қоидалари ва илгари сурган беш тамойили амалда ўз ҳаётийлигини тўла тасдиқламоқда.

Республикамиз у нинг бозор муносабатларига ўтиш борасидаги асосий тамойиллари мезони иқтисодий ислоҳотлар назарияси ва амалиётига қўшилган улкан илмий ҳисса бўлиб қолиши турган гап.

Бозор механизмлари ҳар доим ҳам бутунлай нуқсонсиз ишлайди, деб бўлмайди. Баъзи бир заруррий босқичларга аста-секинлик билан ўтиш жараёнида давлат бошқаруви тақозо этилади. Дарҳақиқат, Окитонинг бу башоратлари Япония ва Корея мисолида ўз тасдиғини топиб, кенг жамоатчиликнинг диққат-эътиборини ўзига тортди. Президентимиз Ислом Каримовнинг бу борадаги хулосалари ҳам диққатга сазовордир. Мустақиллик йўлида ўзининг дастлабки қадамларини ташлаётган Ўзбекистон жаҳон халқлари билан ўзаро ҳамкорлик қилиш борасида улкан имкониятларга эга эканлигини намоён этмоқда. Шу боис Ўзбекистоннинг фикри ва у тутган йўл билан жаҳоннинг нуфузли халқаро ташкилотлари ҳисоблашишмоқда. Бу ўринда шуни ҳам эслатиб ўтиш жоизки, Ўзбекистон ҳақида тегишли маълумотлар етарли бўлмагани туфайли баъзи бир сиёсатчилар ноўрин фикр-мулоҳазалар ҳам билдиришмоқда. Жумладан, таниқли АҚШ сиёсатшуноси Збибнев Бжезинский ўзининг яқинда эълон қилган мақоласида Ўзбекистонни Россия, Украина, Белорус, Грузия, Арманистон, Озарбойжон, Қозоғистон каби мамлакатлар гуруҳига қўшиб, яқин ўн йил ичида уларнинг сиёсий ва иқтисодий йўналишлари ноаниқ бўлиб туради, деган фикрни билдиради. Ҳолбуки, Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида» китобида бугунги воқелик аниқ фактлар асосида таҳлил қилиниб, республикамизнинг ҳозирги иқтисодий ва сиёсий ҳолати ва унинг келгусидаги тараққиёт йўналишлари аниқ-равшан кўрсатиб берилган.

Иқтисодий ислоҳотларнинг биринчи босқичи иқтисодий тизимнинг ҳуқуқий асосларини яратишга, давлатчиликни шакллантириш ва мустаҳкамлаш, кишилар онгидаги эскича фикрлаш тарзини бартараф этишга қаратилди. Шу мақсадлар учун бозор муносабатлари ва демократия тараққиётини белгиловчи янги Конституциянинг яратилишига алоҳида аҳамият берилди. Жаҳон тажрибаси ва республикамизнинг ўзига хос хусусиятлари чуқур ўрганилиб, ҳар томонлама етук ва мукаммал Конституция яратилди.

Иқтисодий қайта ўзгаришлар даврининг бошланғич босқичида Ўзбекистон ўз стратегиясини ва ислоҳот курсини шакллантириш моделини ишлаб чиқди ва уни амалда муваффақият билан қўллай бошлади. Бу назарий ишлар

• Биз ва қонун

камлаш, миллий валюта айланишининг барқарорлигини ва унинг ички конвертациясини таъминлаш билан боғлиқ. Бу босқичда давлат мулкини хусусийлаштириш бўйича олиб борилаётган ишларни якунлаш, ишлаб чиқаришнинг пасайишига барҳам бериш, миллий валюта — сўмни мустаҳкамлаш, иқтисодни хомашё етиштириб беришдан тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришга йўналтириш кўзда тутилади. Шу билан бир қаторда кам таъминланган оилаларни ижтимоий муҳофаза қилиш сиёсатини янада кучайтиришга алоҳида аҳамият берилади.

Ўзбекистонда бозор муносабатларининг ҳуқуқий асосларини шакллантиришга аҳамият беришда ҳар қандай кишининг ҳам руҳига таскин беради. **«Чинакам демократизм, — деб ёзади И. Каримов ўз китобида, — қонунларнинг қай даражада устунлиги билан, ҳуқуқ ва эркинликлар қанчалик кенг берилгани, ижтимоий кафолатлар кучи билан белгиланади. Ҳар қандай давлат, айниқса, чинакам демократияга интилаётган давлат ўз халқи манфаатларини, ўз фуқароларининг ор-номуси ва қадр-қиммати, уларнинг ҳаёти ва эркинлигини ишончли ҳимоя қилишга қодир бўлмоғи даркор».**

Сўнгги йилларда Ўзбекистоннинг қонунчилик органи ислоҳотлар муваффақиятини таъминлашга қаратилган юзлаб фундаментал қонунларни қабул қилди. Мулкчилик, ер, чет эл инвестицияси, тадбиркорлик, ўрта ва кичик тадбиркорлик, хусусийлаштириш, Марказий банк фаолияти ҳақида ва бошқа фундаментал қонунлар шулар жумласидандир. Мустақил давлатимизнинг биринчи қонунлари: Жиноят кодекси, Жиноят-процессуал кодекси, Меҳнат кодекси ҳамда Фуқаролик кодексининг биринчи қисми қабул қилинди.

Фуқаролик кодексининг иккинчи қисми тайёрланмоқда. Фуқаро-процессуал кодекси, Оила ҳақидаги қонун кодекси, Ер кодекси ва бошқа меъёрий ҳужжатлар устида қизғин иш олиб борилмоқда.

Ҳали олдинда ҳаётнинг барча жабҳаларини ҳуқуқий жиҳатдан бошқаришга ва инсон фаолиятига бевосита тааллуқли бўлган юзлаб қонунларни яратиш борасида қатта ва мураккаб ишлар турибди. Ҳуқуқий давлатда барча масалаларни қонун ҳал қилади. Барча масалаларга қонун жавоб беради ҳамда ҳаётий бирон-бир масала қонун томонидан жавобсиз қолиши мумкин эмас. Фуқаролар ва тадбиркорлар учун энг муҳими — қонун истеъмолчи ҳуқуқларини ҳимоя қилиши керак. Унинг лойиҳаси ишлаб чиқилган ва у экспертизадан пухта ўтказилиши лозим.

Республика Олий Мажлисининг 1995 йил декабрь ойида бўлиб ўтган IV сессиясида қабул қилинган Фуқаролик кодексининг биринчи қисмида шартномалар ҳақидаги умумий қоидалар, шартнома шартнома тузиш, шартномани ўзгартириш ва уни тўхтатиш тартиблари ҳақида тушунчалар ўз ифодасини топган. Бу қоидаларни янада чуқурлаштириш ва ривожлантириш, хўжаликлар орасида ижтимоий муносабатларни шакллантириш, шартнома реквизитларини бажариш лозимлигини ва томонларнинг шартнома шартларини бажармаганликлари учун суд олдида жавобгарлигини тушунтирмоқ зарур.

Яқинда Вазирлар Маҳкамасидаги 1995 йил якунлари ва жорий йилнинг вазифаларига бағишланган мажлисда Президентимиз сўзлаган нутқида «Ўзбекистон заминида бугунги кунда бозор иқтисодиёти муносабатларини фаол жорий этиш бўйича зарур қонунчилик ва меъёрий ҳужжатлар замини амалда яратилди» деб алоҳида таъкидлади. Шу билан бир қаторда «ислоҳотларнинг ўзига керакли тузатишлар киритиш, уларни бундан буён чуқурлаштириш учун ҳуқуқий замин ҳозирлаш» зарурлигини яна бир карра уқтириб ўтди.

Президентимиз ушбу мажлисда сўзлаган нутқида ўзаро шартнома муносабатларига, шартнома шартларини бажариш ва уни тузиш маданиятини ошириш зарурати етилганини кўрсатиб берди.

Маълумки, шартнома моҳияти жиҳатидан кичик бир қонундир. Агар унинг шартлари бажарилмаса, авваламбор умумий ишга зиён етади. Шу маънода шартноманинг бажарилиши Қонуннинг бажарилишидек мажбурийдир. Шу сабабли бозор муносабатларига ўтиш шароитида шартномавий муносабатлар муҳим мазмунни ва аҳамиятини ўзида мужассам қилади. Президентимиз алоҳида таъкидлаганларидек, қонуний тартиблар асосида шартнома мақомини кўтариш ва уларга қонуний асос яратиш лозим.

Вазирлар Маҳкамасида бўлиб ўтган йиғилишда бозор муносабатлари йўлида учраётган тўсиқлар ва уларни бартараф этишга қаратилган ҳуқуқий тадбирларни ишлаб чиқиш ҳақида ҳам сўз юритилди. Булар ҳуқуқшунослар ҳамда иқтисодчилар олдида катта муаммоларни ҳал этиш масаласи турганлигидан далолат беради. Чунки иқтисодий ислоҳотлар, унинг ҳуқуқий замини қанчалик мустаҳкам бўлса, шунча муваффақият билан олға силжийди.

Ш. ЖАЛИЛОВ,
юридик фанлари доктори.

• Амир Темур таваллудининг 660 йиллиги танловига

АМИР ТЕМУР КЎЧАСИ БЎЙЛАБ

(ФОТОРЕПОРТАЖ)

СУРАТЛАРДА: «Олой» бозори ёнида қурилаётган ер ости йўли; бозор ичидаги усти ёпиқ савдо мажмуи.

(Давоми 4-бетда).

• Акс-садо

КАРВОН БЕХАТАР БЎЛМАС

Кейинги пайтда Россияда юз бераётган воқеалар бутун халқимиз, адабий жамоатчилик қаторида мени ҳам бироз ғалати ҳолга солиб қўйди. Бу воқеалар ҳам кишининг кулгисини қўзғатади, ҳам анчагина ташвиш уйғотади.

Президентимиз халқ депутатлари Хоразм вилоят кенгаши сессиясида сўзлаган нутқида Россия Федерацияси Давлат Думасининг Беловеж битимларини бекор қилиш, яъни СССРни қайта тиклаш тўғрисидаги қарорига батафсил тўхталиб, халқимизга унинг моҳиятини тушунтириб берди. Юртбошимизнинг Россия Президенти Борис Ельцинга йўллаган телеграммасида эса Ўзбекистоннинг бу масалага муносабати аниқ баён қилинган.

Россия Давлат Думасининг бу қарорига МДҲдаги барча давлатлар, жаҳон аҳли қандай муносабат билдирганини ҳам биламиз. Бироқ орадан кўп ўтмай юз берган воқеа — Беларус Президенти Александр Лукашенконинг Россия билан ягона давлат тузиш ҳақида битим имзоланиши тўғрисидаги баёноти барчани лол қилиб қўйди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги муҳбири билан қилган суҳбатида бунга ҳам жуда муносиб баҳо берди. Президентимизнинг: «МДҲ мамлакатларидаги айрим раҳбарлар интеграция ёки турли-туман иттифоқлар барпо этиш тўғрисидаги янги ташаббусларни дамба-дам кўтариб турмаса хумори босилмайди», деган гапининг ўзиданоқ жуда кўп нарса англашилиб турибди.

Энди бу икки воқеага шахсан ўзимнинг муносабатимга тўхталай. Россия Федерацияси Давлат Думасининг қарори, бир жиҳатдан олиб қараганда, юқорида айтганимдай, кишининг кулгисини қўзғайди. Бундай қарорни ёш болалар эмас, кўпни кўрган, ўзини мамлакат тақдири учун масъул ҳисоблаган кишилар қабул қилганига, тўғриси, ишонгиси ҳам келмайди кишининг. Ўзингиз ўйлаб қаранг: бир давлат парламенти қандай қилиб аллақачон мустақил ҳолда яшаётган, ривожланаётган бошқа давлатлар тақдирига бевосита алоқадор бўлган қарор қабул қилиши мумкин? Иккинчидан, Беловеж битимлари СССРни тарқатиш ҳақида эмаслиги, бу битимлар имзоланганига қадар барча республикалар ўз мустақиллигини эълон қилгани, мазкур битимлар СССРнинг тугагани ҳақидаги қайдномадан, бошқача қилиб айтганда, ўлим содир бўлганини тасдиқловчи тиббий хулосадан бошқа нарса эмаслиги ёш болага ҳам аён-ку!

Александр Лукашенконинг баёноти (Россия раҳбарлари бу баёнотга дарҳол тузатиш киритишди, албатта) ҳамда Беларус халқининг бу баёнотга дарҳол бутунлай тескари муносабатда бўлгани, атоқли ёзувчи Василь Быков бошчилигида ташкилий қўмита тузилгани, ҳатто... одамлар «Лукашенко Москвага билет олиш учун бир халта пул тўплагани» («Вести» хабари) ҳам, менимча, кўпгина нарсалардан дарак бериб турибди.

Шу ўринда яна давлатимиз раҳбарининг ЎзА муҳбири билан суҳбатига қайтсак. «...Менимча, бу энг муҳими ҳам — ўз фуқаролари ва жамоатчиликнинг диққатини мамлакатдаги кескин муаммолардан чалғитиш, бошқа йўл тополмаслик, истасангиз, буткул ночорлик белгисидир», дейди юртбошимиз. Бундан ортиқ баҳо бўлмаса керак!

Энди масаланинг анча жиддий, кишини ташвишга соладиган томонига ўтайлик.

СССРни қайта тиклаш тўғрисидаги гап кечагина чиққани йўқ. Россия Давлат Думасининг қарори ҳам осмондан тушмаган. Бу гапларни анчадан бери эшитиб келамиз.

Савол туғилади: хўш, СССРни қандай тикламоқчисизлар? Референдум йўли биланми? (Билишимча, референдум битта давлат ҳудудида ўтказилади. Демак, бу гаплар замирида бошқа нарсалар ётибди шекилли...) Бироқ, наҳотки бу уринишлар мутлақо беҳуда экани, қафасдан озод бўлган қуш ҳеч қачон унга қайтиб кирмаслигидек оддий ҳақиқатдан бехабарсизлар? Ва, ниҳоят, сизларга ким бундай қарорлар қабул қилиш ва баёнотлар бериш ҳуқуқини берган?

«Шуниси ғалатики, — дейди Президентимиз ЎзА муҳбири билан суҳбатда, — айрим раҳбарлар ўз номидан, айтайлик, ўз республикаси номидан эмас, албатта, МДҲга бирлашган барча мамлакатлар номидан гапиришга ҳаракат қилади. Гўёки уларга барчанинг номидан гапириш ҳуқуқи берилгандек, бироқ бу халқлардан ҳар бирининг муайян тафаккур тарзи, қайфияти қандайлиги, бу муаммоларга муносабати, улар ўз келажагини қандай тасаввур этаётгани хусусида ўйлаб кўриш уларнинг етти ухлаб тушига ҳам кирмайди». Булар нақадар аниқ, ҳар биримизнинг юрагимиздаги гаплар!

Энг катта ташвиш туғдирадиган ҳол, бир томондан — тинимсиз равишда эшитилиб турган зўравонлик ва салтанат даъвоси бўлса, иккинчи томондан — айрим давлат раҳбарларининг масъулиятсизлиги деймизми, ношудлиги деймизми, қатъиятсизлиги деймизми, бу даъволарни янада ҳаволатаётганидир.

Тўғри, аслида биз ташвишланмасак бўлади. Чунки Ўзбекистон ўзи ланлаб олган мустақиллик йўлидан асло орқага қайтмайди, халқимиз жасур ва доно юртбошимиз раҳбарилигида фақат олға қараб қадам ташлайди. Бироқ барчамиз карвон бехатар бўлмаслигини, шунинг учун ҳам ҳар доим сергак, хушёр бўлишимиз, янада жипслашишимиз, турли-туман иғволарга йўл қўймаслигимиз лозимлигини унутмаслигимиз зарур.

Машраб БОБОЕВ.
(ЎзА).

ЭКОЛОГИЯГА БАҒИШЛАНДИ

Кеча халқаро «Экосан» жамғармасида «Мустақиллик, экология ва халқ саломатлиги» мавзуида кенгаш бўлиб ўтди.

Унда вазирликлар, идоралар ва корхоналарнинг раҳбарлари, масъул ходимлари иштирок этди. Йиғилишда сўзга чиққанлар экологик муаммоларни бартараф этиш, халқаро «Экосан» жамғармасининг фаолиятини янада кучайтириш ҳақида фикр билдирдилар.

Кенгаш ниҳоясида билдирилган таклиф ва мулоҳазалар инобатга олиниб, «Экосан» жамғармасининг вазирликлар ва идоралар билан ҳамкорликда иш юритишини кенгайтириш тўғрисида ҳужжат қабул қилинди.

А.АБДУРАҲМОНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

ЖУРНАЛИСТЛАР ВА ИСЛОҲОТ

Наманганда Фарғона водийсидаги оммавий ахборот воситалари ходимларининг семинар-кенгаши бўлди. Унда жамиятимизда туб ўзгариш ишларини амалга ошириш жараёнида журналистларнинг иштироки, ахборотларнинг ҳаққонийлиги учун уларнинг масъулиятини ошириш масалалари муҳокама қилинди.

Семинарда туман, шаҳар ва вилоят газеталарида, маҳаллий телекўрсатув ва радиоэшиттиришларда ҳануз ҳом, таъсирсиз материаллар кўплиги, газетхон ва телетомошабинлар билан мустаҳкам алоқа ўрнатилмагани таъкидлаб ўтилди. Анжуман иштирокчилари Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг кейинги нутқ ва суҳбатлари газета, телевидение ва радио материалларининг таъсирчанлигини ошириши юзасидан фикрлашиб олдилар. Мақола, кўрсатув ва эшиттиришлар мазмунини яхшилашга, уларни ранг-баранг ва қизиқарли қилишга имкон берадиган чора-тадбирлар белгиланди. Анжуман иштирокчилари ҳузурида Наманган вилояти ҳокими Б.Рапиғалиев сўзга чиқди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг аппарати жамоаси масъул ходим Рустам Тўраевга отаси

Абдусаттор ТЎРАЕВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон Республикаси Архитектура ва қурилиш давлат қўмитаси марказий аппарати ва коллегияси қўмита раиси маслаҳатчиси

Михаил ДАНЕВИЧнинг

вафот этганлиги муносабати билан унинг оиласига чуқур таъзия изҳор қилади.

ҲАМКОРЛИК ЙЎНАЛИШЛАРИ ВА ИСТИҚБОЛЛАРИ

Европа Иттифоқи Комиссияси (ЕИК)нинг комиссар — доктор Ханс Ван Ден Брук бошчилигидаги расмий делегацияси Ўзбекистонга амалий ташриф буюрди. Ташрифдан мақсад республикадаги ижтимоий-сиёсий вазият билан, иқтисодий ислоҳотлар қандай амалга оширилаётгани билан танишиш, ЕИК билан Ўзбекистон ўртасидаги ҳамкорлик муносабатларига баҳо бериш ва уни янада ривожлантириш истиқболларини ишлаб чиқишдан иборат.

Ўзбекистон раҳбарияти, энг аввало, давлатимиз бошлиғи Ислом Каримовнинг фаол ҳаракати туфайли ҳозир бу муносабатлар икки асосий йўналиш бўйича жадал ривожланмоқда. Шулардан бири сиёсий йўналиш бўлиб, у Ўзбекистон Республикаси билан Европа Иттифоқи ўртасида шериклик ва ҳамкорлик тўғрисида битим тузиш истиқболлари билан бевосита боғлиқдир.

Шериклик ва ҳамкорлик тўғрисида битим тузиш масаласи ўз тарихига эга. Бу масала биринчи марта 1994 йилнинг октябрида — Европа Иттифоқида Германия президентлик қилган даврда кўтарилган, ўшанда Германия шериклик ва ҳамкорлик бўйича битим тузиш тўғрисида Ўзбекистон билан музокара бошлаш фикрини ўртага қўйган эди. Бу мамлакат вакиллари ўша йилдаёқ Ўзбекистон тўғрисида ҳисобот тайёрлаб, Европа Иттифоқи Кенгашига тақдим этган. Унда республикадаги вазият батафсил таҳлил қилинган. Унда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасидаги аҳвол ҳолисона таҳлил қилиниб, Ўзбекистон раҳбариятининг Европада Хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг республикада доимий ваколатхонасини очиш тўғрисидаги истаги юқори баҳоланган. Ҳисобот хулосаларида шериклик ва ҳамкорлик тўғрисида битим тузиш юзасидан Ўзбекистон билан музокараларни бошлаш мақсадга мувофиқлиги тўғрисида тавсиялар берилган.

1995 йилнинг май ойида Бельгия пойтахти Брюссел шаҳрида Европа Иттифоқи билан Ўзбекистон ўртасида ҳамкорлик бўйича қўшма қўмитанинг дастлабки мажлиси бўлди. Унда республикамизнинг Ў. Султонов бошчилигидаги делегацияси иштирок этди. Республикада иқтисодий ислоҳотларни ривожлантириш ва чуқурлаштириш масалалари қўриб чиқилди, шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги битим юзасидан музокаралар жараёнини тезлаштиришга доир тадбирлар белгиланди.

Ўша йилнинг июнида қўшма қўмитанинг тавсиялари Европа Иттифоқи Кенгашининг ташқи ишлар вазирлари иштирокидаги мажлисида муҳокама қилинди. Шу мажлисда Германия, Италия ва Бельгия шериклик ва ҳамкорлик тўғрисида битим тузиш юзасидан Ўзбекистон билан музокараларни тезроқ бошлашни ёқлаб чиқди. Натижада дастлабки маслаҳатлашувлар — Ўзбекистон билан «тушунтириш музокаралари» бошлаш тўғрисида қарор қабул қилинди. Европа Иттифоқи делегацияси айни шу мақсадда республикамизга келди.

Ўтган йилнинг кузида ЕИК ташқи сиёсий муносабатлар бош директорати ташриф якунлари юзасидан тегишли ахборот тайёрлади. Унда республикамиздаги вазиятга ижобий баҳо берилиб, шериклик ва ҳамкорлик тўғрисида битим тузиш юзасидан Ўзбекистон билан музокаралари бошлаш тавсия қилинди. Ахборотни Европа Иттифоқи Комиссиясининг йигирма аъзоси — барча комиссарлар кўриб чиқиб, Европа комиссияси номидан маъқуллади.

Бу ҳужжатни тайёрлашда айнан доктор Ханс Ван Ден Брук — Европа Иттифоқи Комиссияси ташқи иқтисодий алоқалар комиссари ва қуратори фаол ёрдам берди. У бу йил бошида Давосда Президентимиз Ислом Каримов билан учрашганида мамлакатимизда амалга оширилаётган ўзгаришларни яна юқори баҳолади.

Ўзбекистоннинг Европа Иттифоқи Комиссияси билан ҳамкорлигининг иккинчи йўналиши, аввало, мамлакатимиз раҳбариятининг ислоҳотларни амалга оширишга доир чора-тадбирларини қўллаб-қувватлашга қаратилган «Таъсис» илмий-техник ёрдам дастурини амалга оширишга тааллуқлидир. Бу дастурни самарали равишда амалга ошириш учун республика ҳукуматининг қарори билан 1994 йилнинг январь ойида Европа Иттифоқи Комиссиясининг Ўзбекистон бюроси — ЎзбюроЕИК тузилди.

Ўз навбатида «Таъсис» миллий дастури доирасида бир қанча устувор, энг истиқболли йўналишлар белгиланди. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, энергетика, меҳнат ресурсларини ривожлантириш ва улардан оқилона фойдаланиш шулар жумласидандир.

Ҳозир республикада мазкур миллий дастур бўйича жами 40 миллион ЭКЮдан кўпроқ турадиган 29 та лойиҳа ва «Таъсис» давлатлараро минтақа дастури доирасида умумий қиймати 120 миллион ЭКЮ турадиган 35 та лойиҳа амалга оширилмоқда ёки тайёрлаш босқичида турибди. Бу лойиҳаларнинг бир қисмига 1993 — 1995 йилларда пул ажратилди. Мазкур лойиҳаларнинг ижрочилари ёки техник ёрдам олувчилари давлат тузилмалари, шунингдек, жамоат ташкилотлари ёки хусусий корхоналардан иборат.

Ҳамкорликнинг бу йўналишида 1993 йилдан буён Европа Иттифоқи билан Ўзбекистон Республикаси ўртасида тузилган тўқимачилик маҳсулотлари савдоси бўйича битим фаол амалга оширилмоқда. Бу битимнинг амал қилиш муддати ўтган йилнинг охирида 1999 йилга қадар узайтирилди. Шу ҳужжатга мувофиқ, Ўзбекистоннинг тўқимачилик маҳсулотларига уларни Европа Иттифоқи мамлакатларига олиб бориш чоғида имтиёзлар берилади. Барча тўқимачилик маҳсулотлари (Европа Иттифоқи томонидан чекланадиган ипгазлама бундан истисно) Европа Иттифоқи ҳудудига чекланмаган миқдорда олиб борилиши мумкин. Томонлар ўртасида эришилган ҳаднома-га мувофиқ, шу йилдан бошлаб Европа Иттифоқига олиб бориладиган тўқимачилик маҳсулотлари миқдори йилига ўртача 3,5 фоиз кўпаяди.

1994 йилнинг сентябрь ойида Европа Иттифоқи Комиссияси билан имзоланган Ўзбекистонга тиббий асбоб-ускуналар ва дори-дармонлар етказиб бериш тўғрисидаги битим республикамиз учун истиқболлидир. Бу битимга мувофиқ, 76 та шартнома тузилди. Натижада Европа Иттифоқи Комиссияси ажратган 59 миллион ЭКЮ кредит бўйича республикамиз учун зарур бўлган дори-дармонлар, вакциналар, тиббий асбоб-ускуналар, шунингдек, юқори сифатли болалар таомлари сотиб олиш мумкин бўлди.

Мамлакатлар орқали юк олиб ўтиш ва транспорт соҳасидаги ҳамкорлик ҳам жадал ривожланмоқда. Бу ҳамкорлик 1993 йилнинг баҳорида Брюсселда ўтказилган «Европа-Кавказ-Марказий Осиё транспорт йўлини барпо этиш» минтақа дастури бўйича конференцияда бошланган эди. Ҳозир бу дастур темир йўл, денгиз ва автомобиль транспортини ривожлантиришни, мамлакатлар ҳудуди орқали юк ташишнинг ҳуқуқий негизини такомиллаштиришни, шунингдек, халқаро савдони ташкил этишнинг божхона тадбирлари, экспедиторлик вазифалари ва шу каби ўзига хос ишларни яхшилаш билан боғлиқ масалаларни кўзда тутувчи 15 та йирик лойиҳани ўз ичига олган. Бу лойиҳаларни амалга оширишга ҳаммаси бўлиб салкам 12 миллион ЭКЮ ажратилган.

Европа Иттифоқи Комиссияси ҳозирги пайтда яна бир йирик ва биз учун ғоят истиқболли бўлган «Ипак йўли — 2000 йил» лойиҳасини ишлаб чиқмоқда. Бу лойиҳа мамлакатимиз учун катта амалий аҳамиятга эга бир қанча вазифаларни ҳал қилишни кўзда тутади.

(ЎзА).

МАРКЕТИНГ

Маркетинг (инглизча Marketing — бозор, сотиш) — харидор эҳтиёжларини имкони борича тўлароқ қондириш мақсадларида бозор ҳолатини асосли ўрганиш ва олдиндан баҳолаш билан товарларни ишлаб чиқариш ва сотишни ташкил этиш тадбирлари тизими; бозор иқтисодиётининг муҳим унсури. Маркетинг иши қисқа ва узоқ муддатли махсус дастурлар орқали амалга оширилади. Уларда харидорларни ва рақобатчиларни ўрганиш асосида товарлар сифатини яхшилаш, товар нархини ўзгартириш, реклама ўтказиш, товарга талаб чақириш, товарларни ўз вақтида етказиб туриш, харидорларга маъқул тушадиган хизмат кўрсатиш каби чора-тадбирлар назарда тутилади. Ишлаб чиқариш маркетинг воситасида юят тез ўзгариб турадиган бозор талабига мослашади ва самарага эришади. Товар ишлаб чиқарувчилар маркетинг туфайли бозор билан узвий боғланадилар, ишлаб чиқариш манбаларини бозорталаб товарлар яратишга қаратадилар, ишбилармонлик ва тижорат ишларини режалаштирадилар.

Маркетинг бир қанча жуда муҳим қоидаларга асосланади. Товар ишлаб чиқариш талаби ва корхона имкониятларининг ҳисобга олиниши харидор талаб-эҳтиёжининг тўла қондирилиши, унинг бўлғуси талаби назарда тутилиши, мўлжалланган бозорда товарлар айтилган вақтда ва белгиланган миқдорда сотилиши, янги товарларни ўзлаштира бориб, корхонанинг узоқ давр мобайнида самарали ишлашига эришиш, корхонанинг ишлаб чиқариш йўналишлари, тутган йўли бозор шароитига, харидор талабига мослашиш билан чекланмай, балки талабни корхона мўлжалланган йўналишда ўзгартириш шулар сирасига киради. Маркетинг фақат бозордаги талаб-эҳтиёжни қондириш воситасигина бўлмай, балки ишлаб чиқариш самарасининг ҳам юқори бўлишини таъминлайди. Шу сабабли корхоналарда маркетинг хизматини ташкил этиш катта аҳамиятга эга.

БРОКЕР

Брокер (инглизча broker), маклер-фонд, товар, валюта биржаларида олди-сотди битимлари тузишда воситачилик (даллоллик) қиладиган айрим шахс ёки фирма. Улар фонд ва товар биржаларида, валюта, суғурта ва фрахт бозорларида сотувчилар ҳамда харидорлар (мижозлар) ўртасида олди-сотди қилишга ёрдам беради. Брокерлар одатда мижоз топшириғига кўра ва унинг ҳисобидан иш юритади, кафолат берувчи ҳисобига ўз номидан савдо битимлари тузиши ҳам мумкин. Воситачилик битимлари, асосан, брокерлик идоралари, фирмалари ёки уларнинг филиаллари орқали расмийлаштирилади. Воситачилик қилгани учун томонларнинг келишувига кўра ёки биржа қўмитаси жорий этган такса (қатъий баҳо)га мувофиқ, олди-сотдининг муайян фоизи миқдорида ҳақ (брокериж) олади. Йирик брокерлик идоралари харидорга қарз беришда банклар билан ҳамкорлик қилади, айрим ҳолларда ўзлари кредитор бўладилар, битимларнинг бажарилишига кафилликни ҳам ўз зиммаларига оладилар. Катта брокер «Гоф-брокер» деб аталади.



Биз «Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган» деб тамга қўйилган маҳсулот дунёнинг ҳамма томонларида мамнуният билан харид қилинадиган, ортиқча рекламага муҳтож бўлмаган маҳсулотга айланишига эришмоғимиз лозим.

• *Қимматбаҳо қоғозлар*

МИЛЛИЙ ДЕПОЗИТОРИЙ

Ривожланган мамлакатларда қимматли қоғозларни сақлашнинг депозиторий тизими бозор иқтисодиётининг муҳим қисмларидан ҳисобланади. Чунки у фонд биржаларидан тортиб, эмитент, инвестор ва брокерлик идоралари фаолиятини назорат қилувчи ташкилотларга хизмат кўрсатади.

Республикамизда ташкил этилган «Вақт» миллий депозиторий ҳиссадорлик жамияти ана шундай муассасалар сирасига киради. Хўш, бугунги бозор иқтисодиёти шароитида унинг асосий иш фаолияти нималардан иборат? Биз шу мақсадда жамият бош директори Ринат ГАБЗАЛИЛОВга мурожаат этдик.

— Депозиторийнинг асосий вазифаси қимматли қоғозларни сақлаш, уларнинг ҳаракатини ҳисоб-китоб қилиш ва рўйхатга олиш, эгалик ҳуқуқи бўйича хизмат кўрсатишдан иборат. Айни чоғда муассасамиз ҳиссадорлар реестрини «Депо» ҳисоб-китоблари орқали эмитент (қимматбаҳо қоғозлар чиқарувчи ҳиссадорлар)ни кузатиб боради, яъни уларни рўйхатга олувчи ташкилот сифатида қимматли қоғозларнинг счётдан-счётга ўтишини таъминлайди. Соддароқ қилиб айтганда, депозиторий худди банклар сингари қимматбаҳо қоғоз эгаларининг счётларини юритади.

— Демак, депозиторийни қимматбаҳо қоғозларни сақловчи банк, деб аташ мумкин эканда?

— Шундай деса ҳам бўлади. Лекин депозиторийда пул маблағлари эмас, балки акция, вексел, облигациялар ва бошқа қимматбаҳо қоғоз турлари сақланади.

— Ринат Гильмутдинович, маълумки, мамлакатимизда қимматбаҳо қоғозлар бозори эндигина вужудга келаяпти. Шундай экан, мижозлар ўртасида сизларнинг ташкилотларингизга эҳтиёж, аниқроғи, зарурат сезилаяптими?

— Албатта. Чунки ташкилотимиз қимматли қоғозлар муомаласи, яъни уларнинг эркин сотилиши ва сотиб олинишига бирмунча қулайлик туғдириш билан бирга, фонд бозорида иштирок этувчи минтақа вакилларига қимматбаҳо қоғозлар бозоридаги жараён хусусида таҳлилий ахборот берувчи ягона ташкилот ҳисобланади. Хорижий мамлакатларда эса давлат томонидан фонд бозорларини бошқаришда ва чайқовчилик ҳаракатларининг олдини олишда мазкур ташкилотлар хизматидан устамонлик билан фойдаланишади. Депозиториймизнинг ташкил этилганига ҳали кўп бўлмаса-да, фонд бозорларидан ташқари давлат органлари учун ҳам макроиқтисодий кўрсаткичлар ва

солиқ обороти жамланмалари тўғрисида таҳлилий ахборотлар бериб бораяпмиз. Шунингдек, муассасамиз Тошкент шаҳри ва вилоятлардаги 400 мингдан зиёдроқ мижозга хизмат кўрсатмоқда. Айни пайтда депозиторийда 457 та ҳиссадорлик жамиятининг 248 млн. сўмлик эмиссияси жойлаштирилган. Инвестор счётлари бўйича эса 3 млн. 16 минг дона акция сақланмоқда.

— Юқорида сиз депозиторийнинг «Депо» счётлари хусусида гапириб ўтдингиз. Иложи бўлса, ана шу хусусда ҳам батафсилроқ тўхталиб ўтсангиз.

— Бугунги кунда жаҳондаги кўпгина давлатларнинг қимматбаҳо қоғозлар бозорлари тўғрисидаги зарур ахборотлар депозиторийнинг «Депо» электрон счётлари компьютерларида сақланади. Бу, аввало, инвестор (қимматли қоғозларни харид қилувчи)ларни турли хил сохтагарчиликлардан ҳимоя қилиш билан бирга, ҳисоб-китобларнинг самарали юритилишини таъминлайди. Иккинчидан, акцияларни тайёрлашда «қоғозсиз технология»га ўтиш имконини беради. Натижада акция тайёрлаш учун вақт ва улкан маблағ сарфлашга ҳожат қолмайди.

— Ҳиссадорлик жамиятларига айлантирилаётган ёки акцияларини қайта чиқармоқчи бўлган корхона ва ташкилотлар катта маблағ сарфлаб ўтирмай, тўғридан-тўғри сизларга мурожаат қилсалар, муаммолари бир пасда ҳал бўларкан-да?

— Шундай. Бунинг учун, аввало, эмитент (қимматбаҳо қоғозлар чиқарувчи) ҳиссадорлик жамиятлари қимматли қоғозларни сақлаш, уларнинг ҳаракатини ҳисобга олиш ва акция эгаларининг реестрини юритиш ҳақида муассасамиз билан шартнома тузади. Сўнгра депозиторийга глобал (умумий) сертификатни топширади.

Акцияларнинг сертификатлари қўлга берилмайди. Унинг эгаси фақат счётдан кўчирма олиши мумкин. Шунингдек, депозиторий давлатга тегишли улушни Давлат мулки қўмитасига ўтказиш мажбуриятини олади. Бу усул, айниқса, молиявий аҳволи қийинлашган корхоналар учун жуда қўл келади. Бугунга қадар 311 та корхона айни шу усулда ўз эмиссияларини сақлаган ҳолда 26 млн. сўмни тежаганлиги маълум бўлди. Бу фақат акциялар тайёрлаш орқали олинган фойдадир.

— Депозиторийнинг тармоқларини кенгайтириш борасида қандай ишлар амалга оширилмоқда?

— Ҳозирча 9 та вилоятда филиалларимиз фаолият кўрсатаяпти. Марказий депозиторийда телекоммуникация тизимининг ишга туширилиши эса минтақавий филиалларни биринчи босқичда ташкил этиш имкониятини берди. Масалан, биринчи босқичда вилоят шўъбаси депозиторийда сақланаётган қимматли қоғозларни рўйхатга олувчи муассаса сифатида иш кўради. Бунда мижоз қимматли қоғозларни сақлаш ва уни расмийлаштириш учун узоқ вилоятлардан Тошкентга келиб, овора бўлиб юришига ҳожат қолмайди. Барча юмушлар шу жойнинг ўзида ҳал этилади. Иккинчи босқичда у мустақил депозиторийга айланади. Натижада тармоқларимиз сони ортиб бориб, муассасамиз зиммасидаги юмушлар бирмунча енгиллаша бошлайди.

— Миллий депозиторий яқинда замонавий техника билан жиҳозланган Биржалар маркази биносига кўчиб ўтди. Бу муассасаларингиз учун қандай қулайлик яратади?

— Замонавий талабларга тўлиқ жавоб берадиган ушбу бинода иш бошлашимиз, энг аввало, республика фонд бозорининг дунё ахборот марказига чиқишига имкон беради. Иккинчидан, эмитент ва инвесторлар биржада бўладиган қимматли қоғозлар савдосида иштирок этмасдан туриб, ўз акцияларини сотувга қўйиши, сотиб олиши ёки депозиторий билан шартнома тузишлари мумкин.

Баҳодир ОСТОНАҚУЛОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Унча-мунча ёш мустақил мамлакат Ўзбекистон сингари шиддатли иқтисодий тараққиёт билан жаҳон ҳамжамиятини лол қолдиролмайди. Республикамиз мустақилликка эришганига ҳали беш йил ҳам бўлмай туриб, автомобиль ишлаб чиқарадиган мамлакатлар қаторига қўшилади. «ЎзДЭУавто» Ўзбек-Жанубий Корея қўшма корхонасида (Асака шаҳри) дастлабки «DAMAS» автобиллари конвейердан чиқди. Ўзбекистон йўлларида ўзимиз яратган машиналар пайдо бўлди. Тошкент заводининг прицеплар ишлаб чиқарадиган филиалини қайта қуриб ва ускуналаб мутлақо янги маҳсулот ишлаб чиқаришга киришиш учун уч йилдан камроқ вақт керак бўлди.

• *Мустақилликнинг натижалари*

«ЎзДЭУАВТО»: КОНВЕЙЕР ИШГА ТУШДИ, МОНТАЖ ДАВОМ ЭТМОҚДА

ёки пировардида йилига икки юз мингта машина

Автомобиль — зеб-зийнат ҳам, фақат ҳаракат воситаси ҳам эмас. Ушбу автозавод Ўзбекистон иқтисодиёти учун одатдаги корхонага нисбатан каттароқ, муҳимроқ аҳамият касб этади. Бош директор Шухрат Юсупов билан суҳбатимиз айнан шу мавзудан бошланди.

— Заводни барпо этиш асосида мамлакат раҳбарлари икки мақсадни кўзлашди, — дейди у. — Биринчиси — аҳолининг автомобилга бўлган эҳтиёжини қондириш. Иккинчиси — саноатнинг ушбу янги тармоғини вужудга келтириб, Ўзбекистоннинг бутун иқтисодиётини юксак даражага кўтариш. Менимча, иккинчиси биринчисидан муҳимроқ. Автозавод орқали биз республиканинг бошқа корхоналарини иш билан таъминлаймиз, уларни иқтисодий дастаклар орқали ишлаб чиқариш даражасини оширишга, янги технологияларни жорий этиш йўлларини излашга мажбур этамиз.

Айтиш мумкинки, завод эндигина оёққа турмоқда. Шухрат Фаттоҳович билан суҳбатимиз асосида эллик тўққизинчи автомобиль конвейердан чикди. Эндигина эллик тўққизинчи... Бироқ Андижоннинг ўзида тўртта қўшма корхона барпо этилди, улар «ЎзДЭУавто» учун ишламоқда. Улар «Ирмаш» заводи, мебель комбинати базасида қурилган.

— Буларни филиаллар дейиш мутлақо нотўғри бўлур эди, — дейди бош директор. — Буни таъкидлашимнинг боиси бор: айримлар эски одатларини қилиб бу корхоналарни шундай талқин этишга уринмоқдалар. Биз ушбу корхоналарга «Мустақил корхона бўлинглар, биз билан муносабатингизни фақат бозор тамойиллари асосида қуринглар» деяпмиз...

Ҳозир заводда 2 мингга яқин киши ишлаяпти. У тўла қувват билан ишлай бошлагач, ишчилар сони икки баравар кўпаяди. Демак, ҳозирдан кадрларни тайёрлаб бориш керак. Бу муҳим масалада ҳам бош директорнинг ўз нуқтаи назари бор:

— Биз кишини қайта ўқитишдан кўра, бевосита ўргатиш маъқул, деган амалиётга асосланамиз. Шу боис асосан ёшларни тайёрлашга қатъий киришганмиз.

Ҳақиқатан ҳам бу ерда ўғилқизлар танлов асосида қабул қилинади. Кейин улар бир ой ёки икки курс ўқитилади. Шу даврда ёшлар инглиз ва корейс тилларини ўрганадилар. Сўнгра «ДЭУ» нинг махсус ўқув марказида иш ўрганишлари учун Корея Республикасига юборилади. Улар бу ерда назарий тайёргарликдан ўтишгач, «ДЭУ» паблик моторс» автозаводига борib,бевосита ишлаб чиқаришда меҳнат қиладилар. Иш ўрганиш жараёни 6 ой давом этиши мумкин. Ҳозир заводда ишлаб турган ёшларнинг айримлари зарурият юзасидан Кореяда икки ва ҳатто уч марта бўлдилар. Шу йўл билан мингдан зиёд ёшлар автомобилсозликка ўргатилди. Ҳозирги кунда ҳам 450 киши Кореяда касб маҳоратини эгалламоқда. Янги заводдаги ҳар бир иш жараёни ягона маромга бўйсундирилгани учун ҳам кадрлар ана шундай жиддий тайёргарлик чиғириғидан ўтказилади.

Завод деганда биз шовқин-суронга тўла маҳобатли цехларни кўз олдимизга келтиришга одатланиб қолганмиз. Бу ерда эса манзара бутунлай ўзгача: ҳамма ишчилар бир хил коржомада. Ҳамма ёқ тоза, саранжомсариштa. Бўяш цехига эса бегона кишилар умуман киритилмайди. Ишчилар оқ халат кийишган. Негаки, ҳатто заррача чанг ҳам тайёр автомобилнинг брак қилинишига сабаб бўлиши мумкин.

Бу ердаги ускуналар кишини, айниқса, лол қолдиради. Масалан, биз пресслаш цехига кириш олдидан қулоқни қоматга келтирадиган шовқин ва тутунга дуч келамиз деб ўйлагандик. Аслида ундай эмас экан. Дастгоҳлардан тортиб ҳамма жиҳозлар ялтираб турибди. Гўё цехда ҳеч ким йўқдек туюлади. Ваҳоланки, ҳар ким ўз ўрнида ишлаяпти. 3500 тоннали пресс оператори Хурсанд Отахоновдан сўрадик:

— Бу ерда ишлаш ёқадими сизга?

— Ёқадигина эмас, балки жуда мароқли, — жавоб беради у.

1200 ва 2400 тонналик иккита пресс япон-корейс қўшма корхонасида тайёрланган, қолганлари Японияда ишлаб чиқарилган. Цех бошлиғининг ўринбосари Шаҳобиддин Жўраевнинг таъкидлашича, бу ерда ўрнатилган ускуналар энг янги, энг замонавий, конструкциялари мукаммалаштирилган. Шу боис меҳнат унумдорлиги юқори, сифати ҳам аъло.

Пайвандлаш цехининг бошлиғи янгичасига ишлаб чиқариш бўйича менежер деб аталаркан. У билан суҳбатимиз қизиқарли бўлди.

— Завод прицеп чиқарган даврда ҳам шу ерда ишлардим, — дейди Абдумухтор Холмирзаев. — Ҳозир эски ишлаб чиқариш жараёни бутунлай ўзгарган, технология мутлақо янгича. Биз пайвандлаш ишларини муҳофаза-ланган муҳитда аниқ бажаришга ўтганмиз. Буни эски завод пайтидаги шароит билан таққослаб бўлмайди.

Шу пайт А. Холмирзаевнинг гапини тасдиқлагандек, хонадаги табло ёниб қолди, унда бутун ишлаб чиқариш жараёнини кузатиш, «ўқиш» мумкин эди, ўринбосарнинг ўз хонасидан чиқиши шарт эмас.

— Аммо энг муҳими, — изоҳлайди у, — ишга муносабат ўзгарди, меҳнат шароити бутунлай янгиланди. Қанча кузов тайёрланиши керак эди-ю, қанча чиқардик — ҳаммасини табло кўрсатади. Масалан, март ойида 124 та кузов чиқаришимиз керак эди, шунча чиқардик.

Негаки, бу ерда ортиқча ишлаб чиқариш кетмайди — қанча керак бўлса, шунча — тамом.

Биз йиғув цехида бўлдик. Ҳали бўёғи совуб улгурмаган янги автомобиллар шу ерда конвейердан чиқади. Энди уларнинг ҳар бирининг мустаҳкамлиги жиддий синовдан ўтказилади. Бу цехда ҳам тинчлик, саранжомсаришталик, гўё одамлар ҳам йўқдек. Бир машина олдида икки, иккинчисининг олдида уч киши ишлаяпти — янги автомобиль шу қўллардан чиқади.

— Бизда биринчи машинани, бир пайтлар бўлганидек, алоҳида бригадага топшириш ва ортиқча дабдаба, тантана қилиш йўқ, — дейди бош директор Ш.Юсупов. — Бизнинг ишлаб чиқаришимиз том маънода жамоа меҳнатининг янгича тамойиллари асосига қурилади. Ва мен ҳеч кимнинг исми-шарифини алоҳида тилга олмайман. Хоҳламаганим учун эмас, бундай қилиш мумкин эмаслиги учун. Бу ерда ҳамма иш жараёни ягона маромга бўйсундирилган.

... Автозавод ишга тушди. Аммо машинасозлар «ҳозирча» сўзини тез-тез тилга олишади: ҳозирча конвейердан кунига 15 та автомобиль чиқаяпти; ҳозирча бу фақат «DAMAS» русумли машина; ҳозирча фақат битта линия ишлаяпти; ҳозирча... Бир сўз билан айтганда, ҳозирча завод ҳам ишлаяпти, ҳам қуриляпти. Йил ўртасида, тахминан июнда яна битта линия ишга тушади ва биз янги «Некси» автомобили ишлаб чиқарила бошланганининг гувоҳи бўламиз. Кетидан эса «Тико» ҳам конвейердан чиқа бошлайди.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «ЎзДЭУавто» қўшма корхонасининг самарали фаолият кўрсатишини таъминлаш чоралари тўғрисида»ги қарори ҳамда унинг иловаси катта ёрдам бўлди. Қарор ва иловада янги заводда ишлаб чиқарилаётган автомобилларни харид қилиб олиш учун республика фуқароларига кредитлар бериш тартиби белгилаб қўйилган.

Хуллас, Асакадаги ушбу заводни жойидан кўзғалиб, тезлигини тобора ошираётган автомобилга қиёслаш мумкин. Йил охирига бориб корхона «тезлиги» йилига 90 мингта машина ишлаб чиқариш имконини беради ва бу рақам йил сайин кўпайиб бориб, пировардида 200 мингта етади.

А.СПИРИДОНОВ,
«Халқ сўзи» ва «Народное слово» газеталарининг махсус мухбири.

Тошкентдаги «Юлдуз» тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси цехларида замонавий ускуналар ўрнатилгандан сўнг бу ерда жаҳон андозаларига мос маҳсулот чиқарила бошлади. Ҳозир корхона чеварлари тикаётган костюм, шим, плашчлар нафақат республикамизда, балки МДҲ мамлакатларида ҳам харидоргир бўлиб қолди.

Р. Шагаев олган суратлар.

БОЗОРЛАРИМИЗ ТЎКИН БЎЛСИН

Халқимиз ўз ҳаётини бозорсиз тасаввур эта олмайди. Зеро, бу маскан юрт ободлиги ва фаровонлигининг кўзгуси ҳисобланади. Уни янада тўкин қилишда республика Президентининг «Бозорларнинг фаолиятини ташкил этишни ва аҳолига хизмат кўрсатиш сифатини яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда.

Истиқлол туфайли деҳқонлар ва харидорларга қулайлик яратиш мақсадида бозорларда кент кўламда ишлар бажарилиб, миллий анъаналар тикланаётир. Тошкент вилояти бозорларининг қиёфаси ҳам ўзгармоқда. Биргина Бекобод шаҳар деҳқон бозорида ўтган йили 3 миллион сўмликдан кўпроқ қурилиш-таъмирлаш ишлари амалга оширилди. Электр, иссиқлик ва водопровод тармоқлари келтирилди. Бўка туманида эса янги бозор қурилиб ишга туширилди, Олмалиқда ҳам худди шундай маскан бунёд этилмоқда. Аммо, юртбошимиз таъкидлаганидек, кундан-кунга обод бўлиб бораётган бозорларни кўпгина ҳолларда деҳқон эмас, олибсотарлар эгаллаб олаётир.

— Умид билан маҳсулот олиб келган деҳқоннинг эмин-эркин савдо қилиши учун барча шароитни яратиб беришга ҳаракат қиляпмиз, — дейди Чирчиқ шаҳар тайёрлов-савдо бирлашмаси директори А.Инкоров. — Бозорни тартибга солиш, жумладан, тош-тарозидан тўғри фойдаланиш, шунингдек, олибсотарларнинг пайини қирқиш бўйича махсус комиссия ишлаб турибди.

— Деҳқоннинг кун бўйи ўз маҳсулотини сотиб ўтиришга вақти етишмаса-чи?

— Бундай ҳолларда у маҳсулотини бирлашмамизга топшириши мумкин. Аммо йил бошидан буён уч-тўрт нафар деҳқонгина бирлашмага оз миқдорда ош лавлаги, пиёз, асал ва апельсин топширган, холос. Одатда деҳқонлар ўша заҳотиёқ ҳисоб-китоб қилишни маъқул кўради. Бизда эса бундай имконият, яъни шу мақсадга ажратиладиган нақд пул йўқ. Деҳқон топшириган маҳсулоти учун пул олганда солиқ ҳам тўлаши керак бўлади. Шунданми, у маҳсулотни бирлашмага топшириштан манфаатдор эмас.

Президент Фармони ва уни бажариш юзасидан Вазирлар Маҳкамаси қабул қилган қарор ана шундай муаммоларни ҳал этишга қаратилган. Бозорлар фаолиятини ва уни бошқаришни тартибга солиш, хусусан, деҳқон ва буюм бозорлари, ярмаркалари негизида ҳиссадорлик жамиятлари ташкил этиш, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини улгуржи харид қилиш бўйича ихтисослаштирилган бўлинмалар фаолиятини йўлга қўйиш долзарб вазифа бўлиб қолди. Чирчиқда тажриба тариқасида деҳқон ва буюм бозорларини, ярмаркаларни очиқ турдаги шундай жамиятга бирлаштириш ишлари бошлаб юборилди.

(ЎзА)

АХБОРОТ

Сўнгги пайтларда Ҳамдўстлик мамлакатларида келиб чиқиши номаълум бўлган фирма ва фондлар томонидан аҳоли пул маблағларини жалб қилиш ва тўлов муддати келган вақтда эса барча маблағлар билан гойиб бўлиш ҳоллари кўп содир бўлмоқда. Шу ҳодисаларнинг олдини олиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки барча аҳолига бўш маблағларини турли хил фирма ва фондларга эмас, балки аҳоли пул маблағларини жалб қилиш учун Марказий банк лицензиясига эга бўлган банкларга қўйишни тавсия қилади. Ҳозирги вақтда қуйидаги банклар аҳоли пул маблағларини жалб қилиш ҳуқуқига эга:

1. АТ «Саноатқурилишбанк»
2. АТ «Пахтабанк»
3. ТИФ «Миллий банк»
4. Халқ банки
5. АТ «Тадбиркорбанк»
6. АТ «Савдогарбанк»
7. АТ «Мевасабзавотбанк»
8. АТ «Ғаллабанк»
9. АТБ «Асака»
10. АТ «Автойўлбанк»
11. АТББ «Турон»
12. Агроқурилишбанк «Тошкент»
13. АТБ «Ипак-йўли»
14. АТ «Авиабанк»
15. ТБ «Қурилиштижоратбанк»
16. АТ «Андижонбанк»
17. АТ «Наманганбанк»
18. АИБ «Замин»
9. АББ «Трастбанк»
10. АТБ «Енгилсаноатбанк»
21. ТБ «Геолбанк»
22. Ўзбек-турк банки «Ўт-банк»
23. АХБ «Ўзпривatбанк»
24. АТ «Саёҳатинвестбанк»
25. АЖБ «Тошуйжойжамғармабанк»
26. ТБ «Парвинабанк»
27. Хусусий банк «Умарбанк»
28. Хусусий банк «Олимбанк»
29. АТ «Алоқабанк»

Марказий банк матбуот хизмати

1336 ОЗОД ВА ҲУР ВАТАНДА ҚУТЛУҒ АЙЁМ МУБОРАК 1996

ИНСОНИЯТ ОЛАМИДАГИ СИРЛИ МЎЪЖИЗА

Бу кўҳна тупроқнинг ҳар битта гардида аждодларимизнинг Ватан эрки ва саодати учун кураши тарихи мужассам. Ахир Туронзамин ўз бошидан қанчалаб суронли кунларни ўтказмади!

Айниқса, мўғуллар истилоси унинг бағрини оловли чўғ бўлиб қуйдирди. Шаҳарларнинг вайрон этилиши, гуллаган боғлар, ҳосилга тўлган экинзорларнинг пайҳон қилиниши, муттасил талаш ва қирғинбарот кураш халқнинг силласини қуритган эди. Бироқ тирикчилик чархпалаги ғийқиллаб айланиб турар, раият босқинчиларга ён бериб, муроса қилиб, бир нави кун кўрарди.

Нажот истаб фалакка чўзилган қўлларга Яратганнинг ўзи карам кўрсатиб, эртанги кун умидини тутқазгандай бўлди. Бахтли соатда — ҳижрий 736 йил Шаъбон ойининг 25-да, мелодий 1336 йил 9 апрель, чоршанба куни Кеш яқинидаги Хўжаилғор қўрғони хонадонларидан бирида таваллуд топган, кейинчалик соҳибқирон Амир Темур ҳазратлари ва бошқа ардоқли сўзлар билан сифатланган зот толеи қора кечаларнинг интиҳоси ва ёруғ кунларнинг ибтидоси эди.

Одатда қачон мақтов, ҳамду сано кўпайса, моҳиятдан узоқлашиlaveради, ҳақиқат хира тортиб, сўзнинг қадри йўқолади. Бироқ йиллар синовидан бардам ўтиб, бугунги истиқлол айёмларигача етиб келган ифтихор ҳақида умумий эътирофларни қайд этмаслик ҳам мумкин эмас.

Амир Темур ҳазратлари дунёга иноят этилишидан асосий мақсад эътиқодимизнинг ҳимоячиси ва тарғиботчиси сифатида яралганини ҳам олади. Шу йўлда у марказлашган давлат асосчиси бўлиб майдонга чиқди. Бу борада тақдир моҳир саркарда, енгилмас лашкарбоши шарафини насиб этди. Инсоният олдидаги буюк хизматларидан бири — илм-фан ва санъат ҳомийси эканлигидадир. Фаолиятининг ёрқин бир қирраси — ободончилик ва бунёдкорлик ишларида раҳнамоликда намоён бўлди. Соҳибқирон бобокалонимизни давлатни бошқариш асосларини яратган назариётчи сифатида ҳам эътироф этишади. Хусусан, дунё ҳукмдорлари орасида биринчилардан бўлиб салтанатни идора этишда молиявий тизим (солиқ, хазина, иш ҳақи ва бошқалар)ни илмий-мантиқий асосларда қўллаган ислоҳотчи бўлганлар. Амир Темур ҳазратлари фаолиятида ҳарб санъати илм даражасига кўтарилди, бунинг натижаси ўлароқ зафарнишон лашкар мислсиз ғалабаларни қўлга киритди. Унинг шон-шавкати дунёни тутди, Самарқанддан учган фармонлар ер юзининг қайфиятини белгилайдиган бўлди, бу олий пойтахтни салтанатларнинг вакиллари тавоф қилишни шараф деб билдилар. Буюк Темурнинг ғолиб байроғи ҳилпираган ҳудудларда маданият, маориф гуллаб-яшнади, ҳунармандчилик, меъморчилик ва бошқа санъат турларида янгича услуб пайдо бўлди. У, энг аввало, улуғ инсонпарвар, фақирлар, бева-бечораларнинг ёсдти эди. Феъл-атворида садоқатли дўст, оқибатли инсон фазилатлари мужассамлашган Соҳибқирон меҳрибон ва талабчан ота сифатида муносиб фарзандлар тарбиялади. Ва тақдирнинг муносиб туҳфаси шу бўлдики, унинг авлодлари қарийб тўрт юз йил ер юзининг турли бурчакларида ҳукмронлик қилди. Олмос қиррали фаолият соҳиби ҳисобланмиш бобокалонимизнинг шахсида дунё сирларини чуқур мушоҳада этадиган теран тафаккурдан энг содда жисмоний-ақлий машқлар (шаҳмат, қиличбозлик, чавандозлик каби)гача олий даражада уйғунлашганини ҳаҳонгир эришган муваффақиятлар шубҳасиз тасдиқлаб турибди.

Албатта, бундай сифатлашларни бир одамга нисбатан қўллаш, қайсидир маънода кимнидир ишонтирмаслиги мумкин. Айниқса, бу бетимсол мўъжизадан бехабар кишиларда шубҳа пайдо бўлади. Афсуски, бу — ҳақиқат, яхши ва ёмон, дўст ва душман кучлар томонидан тасдиқланган ҳақиқат. Ҳолбуки, юқорида оддий грамматик бирлик — битта гапда ифодаланган маънони бутун бўй-басти билан кашф этиш учун жилд-жилд китоблар лозим бўлади. Бу хайрли ишга қўл уриб, бу асрор-сирларини очмоқчи бўлганларнинг дастлабки хулосалари яна ҳам ҳайратли. «Амир Темур — инсоният оламидаги сирли мўъжиза!» — дейди, жумладан, йирик француз олими Люсьен Керен муфассал тадқиқотларининг мухтасар якуни сифатида. Бу ёруғлик шуъласи ҳатто, океан ортига ҳам етиб борди. Америкалик олим Эдвард Ольверд 1990 йилда эълон қилган ҳозирги ўзбеклар «Маданият тарихи» деган монографиясининг салмоқли бир бобини «Темурнинг оқланиши» деб атади ва жаҳонгир шахси ҳамда фаолиятига совет тарихнависларининг салбий муносабатлари илдизларини мустамлакачилик сиёсати заминидан озиқ олганини исботлаб, «Гран Темур»нинг шак-шубҳасиз тарихдаги буюк сиймо эканини тасдиқлади.

Ана шундай зот неча асрлар ўзига муносиб қадр топмади. Бобокалоннинг руҳи ватанда беватан қолган авлодлари каби маконда ломакон кезди. Рости, бу бетимсол ҳақиқатни бағрига сиғдириш учун озод ва эркин Ватан керак эди. Ниҳоят, XX асрнинг сўнггида бу толе ер юзида балқиди. Дунё ҳамжамиятида Ўзбекистон деган юрт пайдо бўлгач, Амир Темур ҳам иккинчи ҳаётига қайтди. Илло, бу саодат ростакам ва абадий бўлсин.

Мустақил Ватанда бобокалоннинг ҳаётини ўрганиш, муборак номини аждодларга қайтариш ёш мамлакатнинг тетапоя бўлиб оёққа туриш босқичлари билан уйғунлашиб кетди. Агар 3-4 йилдаги ишларни чамалаб қарасак, бу борада асрларга тенг қадамлар ташлангининг шоҳиди бўламиз. Бу хайрли ишларнинг зуваласида Президентимизнинг фуқаролик жасорати, ўз тарихига чексиз ҳурматни қалбида асрлар оша сақлаб келган халқнинг иродаси мужассам.

Истиқлолнинг илк баҳори ўтиб, иккинчи қадам қўйилган йилда республикамиз Вазирлар Маҳкамасининг пойтахтнинг марказий хиёбонини қайта номлаш, унда Амир Темур ҳайкалини тиклаш ҳақидаги қарори эълон қилинди. Белгиланган кенг ҳажмли ишлар қисқа муддатда муваффақиятли уддаланди. 1993 йил 31 августда пойтахтда соҳибқирон Амир Темурга ҳайкал қўйилди. Унинг очилиш маросимида Президент И. А. Каримов нутқ сўзлади. 1994 йил 29 декабрда ҳукуматимизнинг Амир Темур таваллудининг 660 йиллигини тантанали нишонлаш ҳақидаги қарори қабул қилинди. 1995 йил 26 декабрда «1996 йилни «Амир Темур йили» деб эълон қилиш ҳақида» республика Президентининг Фармони эълон қилинди. Кейин тегишли равишда «Халқаро Амир Темур жамғармасини қўллаб-қувватлаш тўғрисида» ва «Темурийлар тарихи давлат музейини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида» (14 март)даги ҳукумат қарорлари... Ҳужжатларнинг номлариёқ бу борадаги эътибор нақадар кучли бўлаётганини кўрсатиб турибди. Республикамизнинг тобора ошиб бораётган нуфузи ва юртбошимизнинг саъй-ҳаракати туфайли 660 йиллик тантаналарини дунё бўйича нишонлаш, Парижда, ЮНЕСКО қароргоҳида юбилей тадбирлари ўтказишга келишувга эришилди. Булар муносиб авлоднинг ўз ўтмишига ҳурмати рамзи, дил тўлғонадиган, кўз қувонадиган тарих!

Буюк Темурнинг жаҳоншумул шуҳрати қадимий бой ўтмишга эга, айни вақтда ёш Ўзбекистоннинг дадил одимлари билан ҳамқадам ташриф қоғози каби дунё ҳамжамиятига кириб боришига шак-шубҳа йўқ. Зеро, аждодлар руҳини шод этиб, нурли келажак сари оғишмай олға бораётган бу халқ, бу Ватан шундай шарафга лойиқ!



АМИР ТЕМУР КЎЧАСИ БЎЙЛАБ

(Давоми. Боши 2-бетда)

Бобомдек табаррук,
отамдек қадрдон,
Суянсам — тоғимсиз,
бошимда осмон.
Сиз билан бахтини
чўнг, боқий кўргай,
Дунёга юз тутган ҳур
Ўзбекистон.

СУРАТЛАРДА: пойтахтдаги Амир Темур ҳайкали; Темурийлар тарихи давлат музейи қурилишида.

Р. ШАГАЕВ олган суратлар.



«АНИНГ КЎРКИН ... УЧ ЧАНДОН БАЛАНД ЭТУРМИЗ...»



1380 йил. Кеш шаҳри. Субҳидам. Боғи кўшкда сайр этиб юрган Соҳибқирон либосидаги олтин безаклар қуёшнинг илк нурларида ярқирайди. Бу ерга ёғоч ва сопол қувурлар ила келтирилган сув фавваларни таъминлаб, сўнг мармар устунчалардан пастга эниб, боғдаги гул ариққа қуйилади.

Соҳибқирон бугун ҳам одатини канда қилмади. У боғ айланар экан, давлат ишлари режасини ҳар гал шу маҳалда чуқур мулоҳаза этиб тузиб олар эди...

«Иксандар юртинда хўб ажойиб бинолар борлигин билурмиз. Таърифидин аларнинг залвари менга ҳам маъқул кўрунди. Денгиз ўлкасинда (Ливан назарда тутилган) ҳам шундай зўр сарой (Баалбек қасри) борлигин эшитурмен. Бағдодликлар ҳам шаҳарни чунон безатибдирларким, аларга таҳсин ўқимай бўлмас. Собит усталарию меъморлари бор экан. Кўпларин суриштирғонимда саййидлар авлодидин эркан. Бизда ҳам анингдек усталар кўп эрур. Фақат аларга ишлаш имконини бермоқ керак. Биз ҳам шундай бинолар битурмиз. Шу боғ этагинда, чоғроғ ўриш (тепалик) устинда бино этурмиз. Динимиз пок, ниятимиз холис эрур.

Инчунун, номи «ОҚСАРОЙ» ўлсин. Анинг кўркин алар қурдирғонидин уч чандон баланд этурмиз. Кўрки ўзга юртларда бўлмас. Тарҳин ўзим режалаб (чизиб) берурман. Кимки бизнинг қудратимизга шубҳа қилса, биз қурдиражак биноларга боқсин».

Шу кезда Соҳибқироннинг қошлари чимрилиб, чеҳраси қатъий тус олди. Ўнг қўли билан белидаги олтин тасмага осиғлик ғилофдондаги шамшир дастасин сиқди. Бу унинг қатъий бир қарорга келгани эди. Бир зум шу алфозда туриб, сўнг кескин бурилди-да, шаҳдам юриб, кўшк томон кетди...

Муҳаммади АЗИМОВ,
қурувчи-муҳандис.
Китоб шаҳри.

У ЯРАТГАН 12 БОҒ

Амир Темур Самарқандда 12 та боғ яратганким, уларнинг ҳар бири ўша мавзенинг ерига, иқлим шароитига, номига ғоят-баҳоят мос-монанд келади.

Булар: Боғинақшижаҳон, Боғибиҳишт, Боғи амирзода Шоҳруҳ, Боғибўлду, Боғидилкушо, Боғишамол, Боғизоғон, Боғибаланд, Боғидавлатобод, Боғичинор, Боғинав, Боғижаҳоннамо каби исми-жисмига лойиқ бўстонлардир. Инчунин, уларда ҳар фаслда яшнаб очилувчи хилма-хил гуллар, мевали дарахтлар эктириб, чорчаманлар, чорбоғлар яратилган. Боғлар атрофида тут, қайрағоч, чинор, тол дарахтлари ўтқазилган. Четига тош ётқизилган ҳовуз, ариқ, фаввора ва шаршараларнинг сувлари эса киши ўз аксини кўрадиган даражада ойнадай мусаффо, тоза бўлган.

Соҳибқирон Боғидилкушода Испания элчиси Рюи Гонсалес де Клавихони қабул қилганда, вакил Темурнинг, сарой аҳлининг иззат-эҳтиромидан, бу ердаги гўзаллигу фаровонликдан, ободончиликдан сархуш бўлиб, амирга, барчага миннатдорчилик билдирган. Кейинчалик эса у ушбу боғ хусусида ўз таассуротларини қуйидагича ифодалайди:

«... якшанба эрталаб вакилларни бу боққа таклиф этишди. У жой девор билан ўралган... Боғда лимон ва цитрус ўсимликларидан ташқари турли хил мевали дарахтлар кўп, олтита ҳовуз, бутун боғ бўйлаб ўтадиган ариқ бор. Ҳовуз орасида сояли баланд дарахтлар ўсган: йўлаклар устидан тепага чиқадиган зиналар қурилган. Бу йўлаклар боғни кесиб ўтган эди. Йўлаклар яна бошқа йўлчаларга уланиб кетади. Бу йўлаклардан бутун боғни кузатиш мумкин. Тупроқни уйиб қилинган тепалик ҳам бўлиб, унинг атрофи ёғоч қозиқлар билан ўралган. Унинг ўртасида кўп хонали қаср бўлиб, олтин ва ложувард тошлар, ялтироқ кошинлар билан безатилган. Қаср жойлашган тепалик атрофи хандақ бўлиб, сув билан тўлдирилган. Бу ерга доимо сув келиб туради. Қаср турган тепаликка ўтиш учун икки томонда қўприк, қўприкнинг нариги томонидан эса эшик бўлиб, тепаликка зинапоялар орқали чиқилади. Боғда подшоҳ буйруғи билан келтирилган кийик ва қирғовуллар бор эди. Боғда катта узумзорга кириш йўли бўлиб, у ҳам лой девор билан ўралган. Узумзор девори бўйлаб баланд дарахтлар бўлиб, улар ҳам жуда чиройли эди».

(«Самарқанд тарихи» 250-251-betлар).

Темурнинг расмий қабул пайтида ўз вазирларига қарата фахр билан айтган қўйидаги сўзлари ҳам вакил таърифу тавсифининг исботидир: **«Қаранглар, мана, ўғлим — Испания қиролининг менга юборган элчиларини кўрингиз! У, Испания қироли, дунёнинг энг четида туради ва бутун фаранг подшоҳларининг буюгидир. Улар, фаранглар, ҳақиқатан улуғ ҳалқлардир. Ўғлим, мен ҳам Испания подшоҳига ўзимнинг эҳтиромимни кўрсатмоқ истайман».**

Ўзга жойларда—Ҳиндистон, Афғонистон, Ҳиротда ҳам Ўрта Осиё анъаналарига кўра тарихий боғ-роғлар, саройлар қурилган. Аммо улуғ бобомизнинг Самарқанд атрофида барпо этган боғлари ўзининг тенги йўқ ҳусни-тароватги, хушталъм мевалари билан бошқа барча-барча мавжуд боғлардан алоҳида ажралиб туради...

Абдусалом МУҲАММАДАЛИЕВ,
журналист.
Самарқанд тумани.

• *Афсонага айланган ҳаёт*

БАШОРАТЧИ ҲИНДУ

Соҳибқироннинг саройида турли илмлар билан шуғулланувчи олимлар билан бирга мунажжимлар ва афсунгарлар ҳам фаолият кўрсатган.

Манбаларда зикр қилинишича, асли Жайпур маҳаражаларидан бўлган Сат Чит Дева ҳам жаҳонгирнинг сарой мулозимларидан ҳисоблланган. У афсунгарлик ва мунажжимлик билан шуғулланганлиги учун Ҳиндистондан қувилган бўлиб, Мовароуннаҳрда бахтли соатда туғилган соҳибқирон ҳукумронлик қилишини биларди ва ўз ихтиёри билан унинг хизматига келган эди. Сат Чит Дева кўплаб воқеаларни олдиндан башорат қилган ва ишонч қозонганди. Соҳибқирон бир куни унга:

— Менга Аллоҳ қанча умр берганини айта оласанми? — дейди.

— Бу фақат Яратганга аён, — деб жавоб беради афсунгар.

Соҳибқироннинг бироз жаҳли чиқиб, саволига жавоб олишни астойдил истаганидан кейин, у ҳалтасидан чарм муқовали, олтин суви билан безатилган китоб чиқариб:

— Балки толеингиз ушбу китобда ёзилгандир, — дейди-да китобни варақлай бошлайди. У «Мажму фи аҳром ан нужум» («Юлдузлар ҳукми асрори») деган фолбинлик қомуси эди. Афсунгар ундан керакли жойини топади-да, шундай дейди:

— Аллоҳ дунёни яратган саодатли дақиқада осмон ёритғичлари бир сирли шаклга тушмишдир. Бу ҳолат ҳар саккиз юз йилда такрорланур. Худди шу дақиқада туғилган фарзанд Соҳибқирон бўлур. Уларнинг қисмати мазкур қомусда битилмиш. Соҳибқиронларнинг аввали 33 йил умр кўради. Иккинчиси Пайғамбар мақомига эришади ва у аввалгисидан 30 йил кўп (33+30=63) умр кўради. Учинчиси бутун дунёни эгаллайди ва иккинчи Соҳибқирон кўрган умрдан биринчи Соҳибқирон яшаган йиллар рақамларини қўшгандан ортиқ умр кўради (63+6=69).

70 НАФАРИ ЭСА...

Пири Муршид Шамсиддин Миркулол Кубарро бир куни Муҳаммад Тарағай Баҳодирга бир ҳовуч бўғдой ва майиз беради.

Уларни санаб кўрса, 370 дона чиқади. Пир айтадики, авлодларингдан 70 нафари эса подшоҳ мақомига етишгай. Агар шариат талабларини бузмаса, ҳукмдорлар ундан-да ортиқ бўлгай.

МИСЛИ ШЕРДЕК

Бадаҳшонликларга қарши муҳораба олиб борган Амир Ҳусайннинг ўғли Жаҳонмулк ёғийни қувлаб даранинг ичкарисига кириб кетади ва тузоққа тушиб қолади.

Рақиб сипоҳийларни (улар 630 нафар бўлган) от-аслаҳалари билан асирга олади. Ёрдамга етиб келган Темурбек ёвнинг устига шиддат билан ташланади ва шердек жанг олиб боради. Душманни енгади, асирларни озод қилади. Бу жангни кейинчалик Соҳибқирон ҳаётидаги энг оғир муҳораба деб эслаганди. Ўшанда унинг қўл остида бор-йўғи 13 нафар навкар бўлган.

КУТИЛМАГАН ҲУЖУМ

Темурбек Амир Ҳусайн билан ёвлашиб юрган пайтларида Қарши қалъаси унинг тасарруфидан чиқиб, Амир Мусо қўлига ўтади.

Қалъа 12 минг лашкар билан мустаҳкам ва ишончли қўриқланаётган эди. Темурбек навкарларини Ширкент (Бешкент) қасабасида қолдириб, тунда аҳволни ўрганиш учун Қаршига йўл олади. Қалъада бутунлай бепарволик, муҳофизлар ташқи ҳужумдан кўнгиллари тинч бўлиб, ором олардилар. Соҳибқирон қалъа деворининг қулай жойидан ичкарига ўтиб олади-да, гафлатда қолган Амир Мусонинг ўрдасига бостириб киради. Рақиб қароргоҳида ваҳима бошланади. Улар қалъани ташлаб, чекинадилар. Бу ғалабани Темурбек 243 нафар навкари билан қўлга киритган эди.

Саҳифани Ҳаким САТТОРИЙ тайёрлади.

САЙХУН ГУВОҲ БЎЛГАН ЖАНГЛАР

Тарихий манбаларда таъкидланишича Амир Темур қадимги Сирдарё воҳасидан бир неча марта ўтган, бу табаррук заминда она-Ватан мустақиллиги, халқлар озодлиги учун мўғулларга қарши кўп марта жангга кирган.

Қуйида ана шу тарихий воқеалардан айримларини келтирамиз

● Темур 1365 йилда ўз иттифоқдоши — қайноғаси Ҳусайн билан Сирдарё бўйидаги Чиноз олдида учрашишга келишади. Самарқанддан йўлга чиқиб, Жиззах орқали ўтади. Бироқ Мирзачўлни тўппа-тўғри кесиб ўтмайди. У бу чўлга яқинлашганда қумлар устида сочилиб ётган туя суякларини кўради. Бу дахшатли манзара эди. Сабаби шундаки, ойлаб сув ичмасдан яшайдиган туя суякларининг сочилиб ётиши бу чўл бехосиятлигидан далолат эди. Шу боис Амир Темур ўз қўшинини Зомин томонга буради ва ҳозирги Ховос тумани орқали Бекобод тарафга юради. Сирдарё бўйига эсон-омон етиб келган Темур қўшини бугунги Боёвут, Гулистон, Сайхунобод туманлари орқали Сирдарёни ёқалаб, Чинозга етиб келади.

— Сўнгра, — деб ёзади мажор тарихчиси Ҳерман Вамбери, — Темур ўз қароргоҳини Сирдарё бўйидаги Чиноз билан Тошкент ўртасига қурдирди. Амир Ҳусайн эса Ўтрор томондан етиб келиб, Темур билан учрашди ва мўғуммарга қарши саф тортди...

Бундан 601 йил муқаддам бўлиб ўтган бу муҳораба тарихда «жанги лой» деб тилга олинади.

● 1389 йил қиш фаслида, қор от кўкрагига етган бир паллада соҳибқирон Сирдарё соҳилида Тўхтамиш лашкари билан юзма-юз келди. Ғалаба қозонган Амир Темур уни азим Мирзачўл тупроғидан қувиб чиқаради.

Орадан бир йил ўтгач, 1390 йил баҳорида Тўхтамиш яна Сирдарё ҳудудини эгаллаш учун қўшин тўплаб келади. Амир Темур у билан иккинчи марта тўқнашади ва уни яна мағлубиятга учратади.

Бироқ йиқилиб курашга тўймаган Тўхтамиш тағин Темур устига қилич ялағочлаб келади. Бу гал ҳам соҳибқирон уни енгиб, Россия ерларига суриб ташлайди.

Икки йилдан сўнг Тўхтамиш яна Сирдарё соҳилларида пайдо бўлади, лекин бу гал ҳам Амир Темурдан ланд еб, ундан кечирим сўрайди. Темур унинг гуноҳидан ўтади. Бироқ Тўхтамиш кўрнамаклик қилиб, Темур Озарбойжонда жанг қилаётганида, Сирдарё бўйларига ҳар бири 20 минглик 2 та туманни жўнатади. Сиғноқ таслим бўлади, Қўқон эса қамалга олинади. Ўтрордаги бошқа бир туманда эса Амир Темурнинг ўғли Мироншоҳ лашкарини тор-мор этиб, Мирзачўл томонга силжиб келаётганда Темур бу ерга етиб келади ва Тўхтамиш туманлари ортга қараб қочишга тушади.

1405 йилда Тўхтамиш элчиси Қораҳожи Сирдарё бўйидаги Ўтрорда дам олиб турган Амир Темур билан учрашади. Унга Тўхтамишнинг тавба-тазарруларини етказади. Бу пайтда Амир Темур ўз ниятидан қайтмай, Хитойга ҳарб юриш қилишга ҳозирлик кўраётганди. У элчига шу сафардан қайтгач, Олтин Ўрдани олчоқ Тўхтамишга шахсан ўзим олиб бераман, деб ваъда қилади.

Буюк саховат соҳиби Амир Темурнинг мунофиқ Тўхтамишга нисбатан бу қадар мурувват кўрсатиши сирлари ҳозирга қадар тарих учун ҳам жумбоқ бўлиб турибди.

● 1391 йил қишини Амир Темур қўшини Тошкентда ўтказди. Айни вақтда у мўғулларнинг Сирдарё бўйларида вайрон қилган шаҳарларни тиклаш, дарёдаги қадимги кечувларни қайта таъмирлаш, Мирзачўл боғларига сув чиқариш учун кўҳна ариқларни янгилаш каби хайрли ишлар билан ҳам машғул бўлди.

Ҳозирги Сайхунобод ва Оққўрғон туманларини боғловчи кечув ёнида қарор тоғган қадимги Шарқия (мўғуллар истилосидан олдин Банокент деб аталган) харобага айланган эди. Амир Темур уни қайта тиклаб, унга ўз ўғли Шоҳруҳнинг номини берган эди. Шаҳар аҳолиси бу шаҳарни тиклашга қурби етмасди. Чунки барча эркак аҳоли мўғуллар томонидан Хўжандни қамал қилиш учун ҳайдаб кетилган ва Хўжанд шаҳрини босиб олишда «жонли қалқон» сифатида фойдаланилган эди.

Қадимги Мирзачўлдаги кўҳна сардобалар ўша даврда таъмирланди, ариқлар тозаланиб, чўлга сув чиқарилди. Буни Мирзачўлнинг ҳозирги аҳолиси яхши билади. Шу боиски, сирдарёликлар Амир Темур таваллудининг 660 йиллигига алоҳида тайёргарлик кўрмоқдалар.

● Соҳибқирон Амир Темур даврига мансуб тангалар қадимги Сирдарё соҳилларида қад кўтарган қалъа ва шаҳарларда ҳам зарб этилгани бугунга келиб сир бўлмай қолди.

Темур тангалари Сирдарёга туташ Ўтрор шаҳрида 1328 йили зарб этилиб, уларда биринчи марта «танга» сўзи ўйиб битилганини кўрамиз. Кейинчалик уларда «Қутлуғ бўлсин янги пул» жумласи ҳам пайдо бўлди.

Тангашунос академик Эдуард Ртвеладзенинг ёзишича, Амир Темур ўз салтанатининг йирик шаҳарлари — Самарқанд, Бухоро, Ҳирот билан бир қаторда яна Сирдарё бўйидаги Шоҳруҳ қалъасида, Ўтрор ва Зомин шаҳарларида ҳам олтин, кумуш ва мис тангларни зарб эттирганини исботлаб берди.

Қадимги Сирдарё ҳавзасининг ўрта оқими теварак-атрофида қўним топган қалъа ва шаҳарларда зарб этилган Темур ва темурийлар даври тангалари ўз безаклари, яъни ўсимликлар акс этиши билан бир қаторда геометрик нақшлардоирачалар, юлдузлар, «бахт тугуни» билан бошқа тангалардан фарқ қилади. Уларда асосан арабча ва туркча битиклар учрайди.

Буюк соҳибқирон Амир Темур бобомизнинг башарият маданияти равнақи ва камолоти йўлида қилган хизматлари улкан. Инсониятни ягона мақсад йўлида қовуштириш ва унинг манфаатлари йўлида амалга оширган ишлари улуғвордир. Бу улуғ зотнинг муборак тўйи Сирдарё бўйларида ҳам муносиб нишонланади.

Пиримқул ДЎСТМАМАТОВ,
Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси аъзоси.

ХАЛҚ СЎЗИ • НАРОДНОЕ СЛОВО

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Анвар ЖЎРАБОЕВ.

БЎЛИМЛАР:
Парламент 33-57-34;
Хатлар 33-07-48;
Мерос ва қадриятлар 36-29-89;
Қишлоқ хўжалиги 36-07-94;
Иқтисодиёт 36-36-65;
Маънавият 36-35-60;
Тунги муҳарририят 33-10-28.
Эълонлар 36-09-25, Вахтёр-33-10-60

• МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 19-уй.

Навбатчи муҳаррир — И. Ўтбосаров.
Навбатчи — Ш. Мутаҳҳаров.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 0001 Буюртма Г. — 0200 51671 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2 Босишга топшириш вақти—21.00 Таҳририятда ҳажми 7 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. Газета IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Босишга топширилди — 21.00.